




Ishonch

*Insonga naf
keltirish —
oliy baxt*

2008-yil 8-may
№ 58 (2471)
payshanba

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta * E-mail: ishonch-doverie@mail.ru * Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqa boshlagan




Яхши
хулқ
соҳиби

4



Муштарий — нашр ҳаками

5



Ғалати савол

6



Каттақўргондан Берлингача...

13

Ракурс

Очиғини айтганда...

Ўзбек халқи азалдан бир сўзли бўлиб келган. Асрлар давомида ваъдага ҳожат бўлмаган. Чунки айтилган сўз, айниқса, йигитнинг лафзи қасамдан қаттиқ ишончли бўлган. Замонлар ўтиши билан одамлар сўзга ишонмай қўйишди. «Эртагингни бошқага айт!» — дейдиганлар кўпайди. Ишончсизлик ва даврнинг муҳити одамларга ҳар томонлама таъсир ўтказа бошлади. Энди нутқимизда «дангали», «тўғрисини айтсам», «очиғини айтганда...» каби иборалар ишлатила бошланди. Ваъдалар оғзимиздан милтиқ ўқидай отилиб чиқиб кетмоқда. Бир қарашда кўзга кўринмас бўлиб туюлган, эътибор қаратишга арзимайдигандек кўринаётган бир иллат — ёлғончилик- қон-қонимизга сингиб кетмаётирми?!

Ҳатто элнинг зиёли одамлари ҳам «очиғини айтмоқда». Гапириб-гапириб, сўнг «тўғриси»га кўчмоқда.

Ундан чиқди, «тўғриси»га келгунча шоввозларча қанчалаб ёлғонларни қалаштириб ётган эканмизда?

Дунёда ҳамма нарсанинг юки бўлгани сингари, сўзнинг ҳам жавобгарлиги бор. Эътиборли бўлайлик. Зеро, бир кун келиб сўзнинг юки белимизни синдирмасин!..

Абдулатиф
АБДУЛЛАЕВ



«Юксак маънавият — енгилмас куч»

«Маънавият» нашриёти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобини нашрдан чиқарди.

Ушбу китобда одамзот учун ҳамма замонларда ҳам бебаҳо бойлик бўлиб келган маънавиятнинг маъно-мазмуни, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, бу мураккаб ва серқирра тушунчанинг назарий ва амалий томонлари кенг қамровли фикр ва хулосалар орқали таҳлил этилади. Айни пайтда истиқлол йилларида юртимизда миллий маънавиятимизни тиклаш, уни замон талаблари асосида ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган улкан ишлар, бу борада олдимизда турган мақсад ва вазифа-

лар, ислохотларнинг маънавий мезонлари ҳақида атрофлича фикр юритилади.

Муаллиф ҳақли равишда таъкидлаганидек, «Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги кунни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак».

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги ва эртанги ҳаётимиз билан чамбарчас боғлиқ бўлган

фоят муҳим ва ҳал қилувчи масалалар ўртага қўйилган мазкур асар инсоннинг юксалишида маънавият оламининг қандай таъсир ва кучга эга экани, шунингдек, маънавиятга қарши қаратилган хуружларнинг реал хавфи ҳақида ҳар томонлама мушоҳада юритиш, халқимиз янги ҳаёт, янги жамият асосларини кураётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда одамларни бундай хатарлардан огоҳ этиш, келажак авлодимизни маънавий соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, эл-юртимиз, кенг жамоатчилик эътиборини бу масалаларга яна бир бор қаратишга даъват этиши билан улкан аҳамият касб этади.

ЎЗА

Экоанжуман

Юртимизда атроф-муҳит муҳофазаси муаммоларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борада қонунчилик мукамаллаштирилмоқда. Стратегия, ҳолат, дастур, режа қайта ишланмоқда. Миллий ва минтақавий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш ишлари-га аҳоли кенг жалб қилинмоқда.

Бундай эзгу ишларда журналистларнинг ҳам ҳиссаси бор, албатта. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли эл орасида она табиатга бўлган ғамхўрлик кун сайин юксалиб бораётир. 2002 йилдан буён экологик мавзуда ижод қиладиган журналистлар ўрта-сида кўрик-танловлар ўтказиш анъанага айланиб қолди. Танлов ғолиблари Маразий Осиё мамлакатларида ўтказилаётган экофестивалларда иштирок этиб, ўз билим ва малакаларини ошириб бораётирлар.

Навбатдаги кўрик-танлов 2007 йил 1 декабрдан 2008 йил 30 ноябрга қадар бўлиб ўтади. Республика Миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот анжуманида ана шулар ҳусусида сўз юритилди.

Шарофат НОРҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Янги иш ўринлари

микрокредит ҳисобидан

Давлат тижорат Халқ банки Сирдарё вилояти филиали томонидан бозор муносабатларини шакллантиришда хайрли ишларга қўл уриляпти. Ушбу молиявий муассаса томонидан ажратилган сармоялар воҳадаги тадбиркорлик, фермерликни ривожлантириш, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти, оилавий тижорат ва касаначиликни фаоллаштириш сингари ўнлаб жабҳаларга йўналтирилмоқда. Банк кредитларидан қўлаб мижозлар манфаат кўрмоқда. Хусусан, биргина ўтган йилнинг ўзида банк томонидан касаначиликни ривожлантиришга 7 миллион сўм маблағ ажратилди. Ушбу сармоя туфайли қўлаб ёшлар иш билан таъминланди. Шунингдек, банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилган 657 миллион сўмлик кредитлар эвазига 1680 та янги иш ўринлари барпо этилди.

Сўнгги йилларда юртимизда қишлоқ ҳўжалиги равнақига катта эътибор қаратилляпти. Соҳа мулкдорлари — фермерлар ҳар томонлама қўлаб-қувватланмоқда. Банк жамоаси томонидан уларга 685 миллион сўмлик лизинг хизматлари кўрсатилди. 6 та қишлоқ ҳўжалиги корхонасига хорижда ишлаб чиқарилган 4 та «Класс Доминатор» русумли комбайн, 2 та «ТТЗ» русумли трактор, чигит экиш сеялкалари, культиватор ва бошқа зарур механизмлар сотиб олинди.

Мамлакатимиз Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжалиларида чорва молларини қўлай-тиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларига мувофиқ воҳадаги шахсий ёрдамчи чорвачилик ҳўжаликларини ривожлантириш мақсадида 254 нафар фуқарога микрокредитлар ажратилди.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
«Ishonch» мухбири

«Ishonch»ни ўрганамиз

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилоят кенгаши томонидан Навоий педагогика коллежидан ўтказилган ўқув-семинар миллий мафкура тарғиботида бағишланди. Шунингдек, ўқув-семинар қатнашчилари «Ishonch» газетасида чоп этилган «Миллий мафкура миллатни бирлаштирувчи байроқдир» сарлавҳаси остида берилган қўш саҳифа материалларини атрофлича муҳома-ма қилишди.



Меҳнат муҳофазасига бағишланди

Қашқадарё вилоятидаги «Муборакнефтьгаз» унитар шўба корхонасида «Меҳнат муҳофазаси, саноат хавфсизлиги бирламчи муаммоларни бартараф этишда жаҳон амалиёти асосида OHSAS-18001, 1999, 2007 саноат хавфсизлиги ва соғломлаштириш тизими ҳамда махсус ҳимоя воситалари корпоратив стандартини жорий этиш»га бағишланган республика ўқув-семинар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Ўзнефтьгаз-қазибчиқариш» акциядорлик компанияси тасарруфидаги корхоналарнинг меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигига масъул бўлган мутахассислари иштирок этдилар.

Иzzат ХИКМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Ҳақиқат — баҳсларда туғилади

Тошкент вилояти адлия бошқармасида «Жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ОАВнинг ўрни ва аҳамияти» мавзусида ўқув семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда Адлия вазирлиги Ахборот хизмати, Тошкент вилояти адлия бошқармаси, вилоят прокуратурасининг тарғибот бўлими ва туман газеталари бош муҳаррирлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари иштирок этдилар.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

2008 йил — Ёшлар йили

«Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида ёшлар катта кучини ташкил этади. Ишлаётганларнинг 30 фоизи ёшлардан иборат. Комбинатда пўлат эритиш, навли прокат маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалари мунтазам бажарилиб келинаётганида уларнинг ҳам муносиб улушлари бор. Биргина ўтган йили режадаги 630 минг тонна ўрнига 645,3 минг тонна пўлат эритилди, 598 минг тонна ўрнига 619,6 минг тонна навли прокат маҳсулотлари истеъмолчиларга етказиб берилди. Шу йилнинг биринчи чорагида ҳам белгиланган режалар ошириб бажарилди.

Металлурглр эришилаётган меҳнат ютуқлари билан чегараланиб қолмай, янги марралар сари интилмоқдалар. 2007 йилдан комбинатни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича кенг қўламли ишлар бошланди. Шу орқали комбинатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини янада ошириб, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш қўлайтирилади. 2011 йилгача давом этадиган бу тадбирда тажрибали мутахассислар билан бирга ёшлар ҳам фаоллик кўрсатишяпти.

Янгиликка қизиқувчан, билимдон ёшларни ўқитишга эътибор ўз самарасини бермоқда. Металлург касбини мукамал ўрганишни истаган билимга чанқоқ талабалар асосан Тошкент Давлат техника университети ҳамда Москва пўлат ва

Эътироф ва эътибор

қуймалар институти билан комбинат бошқаруви ўртасида тузилган шартнома асосида ўқитилмоқда. Шунингдек, республикаимизнинг бошқа олий ўқув юртлари ҳамда Бекобод шаҳридаги коллежларда ҳам металлург кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

Комбинатда мураббийлик ҳаракати кенг йўлга қўйилган. Меҳнат ва ҳаёт тажрибаси бой металлурглр ёш ишчиларга бириктирилиб, касб сирларини ўргатишмоқда. Ҳар чорак ва йил сўнгида шогирдлар тайёрлашда энг яхши натижага

эришганларга «Энг яхши мураббий» унвони берилиб, улар пул мукофотлари билан тақдирланишди. Масалан ўтган йили якуни бўйича П.Тошпўлатов, Р.Худойбердиев, Ҳ.Ёдгоров, Л.Шуваева, С.Чжен, Б.Авкельгин, Л.Зо-

кироваларга «Энг яхши мураббий» унвони берилди. Комбинат бошқаруви ва касаба уюшма кўмитаси ёш ишчи-мутахассисларга меҳнат қилишлари билан бирга дам олиб, соғлиқларини мустаҳкамлашларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўтган йилнинг ўзида 324 нафар ишчиларимиз республика-миз санаторийларида ҳордиқ чиқаришиб, соғлиқларини мустаҳкамлаб қайтишди. Шунингдек, комбинатимизнинг Бекободдаги санаторий-профилакторийсида 555, Бўстонликдаги «Чорвоқ» сув омбори бўйи-

даги «Металлург» пансионатимизда 4538 нафари ишчиларимиз дам олишди. Шулардан 1371 нафарини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Амалдаги йилда ҳам бу масканларда дам олишни хоҳлаганларга ҳеч

қандай чеклашларсиз имтиёзли йўлланмалар берилмоқда. Ёш ишчи-хизматчиларимиз ҳам бу имтиёзлардан тўлиқ фойдаланишяпти.

Ёш ишчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳам диққат марказимизда. Биринчи марта никоҳдан ўтиб «Ёшлар уйи» ёки «Бахт уйи»да тўй ўтказётган ишчиларимизга энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорида ёрдам пули берилади. Ёш оилаларга биринчи фарзанди туғилганда энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдоридида суянчи

пули ажратилади. Шунингдек, ёш мутахассисларни уй-жой билан таъминлаш учун шахримизда ҳар бири 32 квартиралари бўлган икки-та кўп қаватли уй қурилиши бошланди. Уларнинг калити фақат ёши ўттизгача бўлган металлурглрларга топширилади.

Металлург фарзандларининг камол топишларига ҳам комбинатимиз муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ҳар йили ўқувчиларнинг ёзги таътилида 1250 дан зиёд болажонларимиз Бўстонлик туманидаги ҳушманзара табиат қўйнида жойлашган оромгоҳда дам олиб қайтишмоқда. Айни пайтда янги болалар соғломлаштириш мажмуаси қурилиши ниҳоясига етказилляпти. Шу йил ёз мавсумида ишга туширилиши мўлжалланаётган бу оромгоҳ йилнинг тўрт фаслида ҳам бирдек фаолият юритади.

Илҳом ҚУРБОНОВ,
«Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг касаба уюшма кўмитаси раиси



9 май — Хотира Ва қадрлаш куни

Биринчи муаллим



Қўлимизга дафтар-қалам олиб, ўзимизча дарс тайёрлаб, мактабга боришга тайёргарликни икки-уч йил олдин бошлаганимиз кечагидек кўз ўнгимизда. Мактабга йўл олаётган болалар ортидан ҳавас билан қараб, баъзан сумкамизни қўлимизга олиб мен ҳам бораман, деб жанжал қилганимизда, ота-онамиз ёки «катталар» томонидан доим битта жавоб бериларди:

— Катта бўлсанг борасан!

Ўтган бир-икки йил бизга асрлардек туюлиб кетганди.

— Ота-онангизни, ўзингиздан катталарни ҳурмат қилиб, уларга биринчи бўлиб салом беришингиз, тўғри гапиршингиз керак. Дарсларни вақтида тайёрлаб, яхши ўқисангиз, улғайганингизда яхши одам бўлиб етишасиз. Энди сизлар ёш бола эмас, мактаб ўқувчиси-сизлар, — деганди дастлабки сабоқда биринчи муаллимимиз Сабохат опа Ҳамидова.

Ҳар сафар сумкамизни бағримизга босганча, зўр ҳайрат билан қадам қўярдик дарсхонага. Бизни у ерда улкан мўъжизалар кутиб турибди-ю, шу ердан тилсимли дунёга йўл очилади-гандек эди... Йиллар бир-бирини қувиб ўтгани сари бу тасаввурларимиз нечоғлик тўғри эканлигини англаётимиз.

Бугун биринчи муаллимимизнинг берган ўғитлари, панд-насихатлари хотирамизда қайта жонланди, ер юзиде ота-она ҳамда устозгина чин дўсту ҳамдард эканлигига яна бир қарра шохид бўлди.

— Сизлар яхши бола бўлсангиз, мен ҳам раҳмат эшитаман, — дер эди Сабохат опа. — Ким мени ёмон кўрса дарс қилмай, тўполончи болаларга қўшилсин.

Шунданми, ҳар доим биринчи бўлиб жавоб беришга интилардик. Ким олдин чиқса, худди бошқа бировимиз айтмоқчи бўлган нарсани айтиб қўяди-

гандек, энг муҳими устозимиз меҳрига кўпроқ сазовор бўлади-гандек туюларди. Синфимизда шу тариқа соғлом рақобатни вужудга келтирганди. Ана шу муҳитнинг натижаси ўлароқ Сабохат опанинг шогирдлари бугунги кунда мамлакатимизни ҳар жиҳатдан юксалтиришда ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

Бугун Сабохат опанинг нузли сиймосини, фидокорона меҳнатларини хотирлаётганлар сафидан нафақат шогирдлари, ҳамкасблари, балки ҳамқишлоқлари ҳам ўрин олган. Фаллаорол туманидаги 52-ўрта мактаб жамоаси, собиқ ўқувчилар жонқуяр устоз меҳнатларини қалб ардоғида сақлаётганлари ҳам бежиз эмас.

52-ўрта мактаб жамоаси ва шогирдлари



Халқ ўзи севган, дардига дармон бўлган инсонларга алоҳида эҳтиром кўрсатади. Аёллар орасида ҳам шундай фидойилар кўплаб топилади.

Раис опа дея донг таратган нарпайлик Марям Каримова ҳам элпарвар, камтар ва меҳнаткаш аёллардан эди. Опанинг савобли ишлари хануз тилларда.

Баҳор сўроқлаган аёл

Элнинг опаси эди

Дарвоза қўнғироғи кетмакет чалинди. Баҳридин ака у томон юрган набирасининг ортидан борса, остонада сипо кийинган икки аёл турарди. Четроқда турган машина улар анча йўл босиб келганини аңлатиб турарди. Тўладан келган аёл ўзини яқин олиб биринчи бўлиб остонадан ичкарига ҳатлади.

— Қани, Марямжон, уйдими?

— Йўқ... Ҳалиги...

— Биз тошкентлик дугоналаримиз. Бухорога ўтаётки кирдик. Агар яқин-ўртада бўлса машинада биз этиб айтиб келсангиз.

— Йўқ, у киши келолмайдими...

Аёл бироз тоқатсизланди:

— Ахир ён телефони бордир. Менга рақамини айтингчи!

— Тушунмадингиз. Марямжон оламдан ўтди.

— Қачон? Нега?!

Иккинчи аёл кўркам қилиб жамланган гулдастани беҳос пастга эгди. Титроқ овоз билан шивирлади:

— Ахир, бугун унинг туғилган куни-ку...

Меҳмонлар истиқболига бирин-кетин қизлар чиқиб келишди. Улар оналарининг таваллуд куни муносабати билан йиғилишганди. Қўярда-қўймай онасининг дугоналарини ичкарига бошлашди.

Лолаҳон гулдастани аёл қўлидан олиб ойнаванд сервантдаги онажони сурати туширилган каттакон чинни вазага қўйди.

Меҳмонлар Марямжон хотирасига фотиҳа ўқишди. Унинг фазилатлари ёдга олингани

сари орадаги бегоналикдан асар ҳам қолмади. Ош тайёр бўлгунча кечган суҳбат фақат Марямжон ҳақида бўлди.

Марямжон опа эл орасида ўзига эзгуликдан ҳайкал қўйиб ҳаётдан кўз юмди. Оддий оиладан етишиб чиқиб, кўп йиллар Нарпай тумани ёшларининг сардори бўлди. Масъул вазифаларда узоқ йиллар ишлади. Ишнинг кўзини билган опани кейинчалик тумандаги қолоқ хўжаликлардан бирига раис қилиб тайинлашди.

— Вақт деганлари оқар дарё, бир жойда тўхтаб қолмас экан, — дейди оқтошлик Сулаймон ота Мухаммадиев. — Умр ўткинчи. Аммо инсондан фақат яхшилик, меҳр-оқибат қоларкан. Марямжондан оқил фарзандлар қатори яхши ном, ёрқин из қолди. Раислик йилларида қурдирган шийпонлар, боғ-роғларнинг роҳатини деҳқонлар хануз кўриб келадди. 1970 — 1990-йилларда у билан бир мақсад йўлида меҳнат қилганмиз. Раис бирор марта бўлса ҳам кибрни хаёлига келтирмаган. Тушликни ҳали у, ҳали бу бригада аъзолари билан қилишни яхши кўрарди. Деҳқоннинг, айниқса, аёлларнинг муаммосини ўзиникидек қабул қилиб, қўлидан келган яхшиликни аямасди. Рўзғор юқини чуқур ҳис этгани боис сувчилар, механизатор ёки пиллакор аёллар оиласига ҳар бир мавсум олдиндан ун, ёғ, гўшт тарқатганини кўп эшитганмиз.

Тўғри, бу гаплар фақат бир кишининг фикри эмас. Беморлар, кам таъминланган оилалар ҳолидан шахсан хабар олгани, умид билан кўмак сўраб

келганлар асло қуруқ қайтмагани эл орасида ҳамиша тилга олинади.

Ниятнинг софлиги ҳамиша эзгуликка йўл очади. Марям опа пойтахтдан таниқли бастакор ва балетмейстерларни бошлаб келиб ашула ва рақс халқ бадийи жамоасини айнан ана шу «Зарафшон» колхозини доғида тузди. Бадийи жамоа доғида нафақат республикамиз, балки қўшни давлатларга ҳам ёйилди. Ўнга яқин мамлакатда оддий ўзбек йигит-қизлари иқтидорини кўз-кўз этиш имкониятини яратди.

— Онам санъатни жуда яхши кўрарди. Мен туғилганимда ҳавас билан ўзи тузган «Зилола» ансамблининг номини қўйган экан, — дейди Марям опанинг ўртанча қизи Зилола Йўлдошева. — Каттагина маиший хизмат уйида иш бошқарувчи эдим. Раҳматли онам бир кун ёнига чақириб, «Қизим, сенда санъатга қобилиятни кўраяпман, ўқиб, шу соҳада ишласанг, ушалмаган орзумга етган бўлардим» деб қолди. Шу гап билан олий маълумот олдим. Ҳар гал саҳнада қизларни рақсга тайёрлар эканман, улар орасида онамнинг шодон чехрасини кўргандек бўламан. Қанийди онажонимдай элга манзур ишларга қўл ура олсам.

Бугун Марям опа бунёд этган боғлар, дам олган дала-ларда ҳам баҳор шабадалари эсмоқда. Мўл ҳосилга замин яратилмоқда. Бундан албатта у кишининг руҳи шод бўлиши, шубҳасиз.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Қутлимурод Рўзметов ва Жуманазар Ражапов Хоразм вилоят ички ишлар бошқармасида оддий ходим бўлиб ишларди. Улар бурчига чексиз садоқат рамзи сифатида энг оғир вазиятларда жонларини қурбон қилдилар: тўрт нафар жиноятчи томонидан отилган ўқ Қутлимурод Рўзметовнинг ўн бир жойига жароҳат етказиб, ҳаётдан олиб кетган бўлса, Жуманазар Ражаповни хизмат вазифасини адо этаётган вақтида қонхўр жиноятчи пичоқлаб ўлдирган.

Олисларга учган қушларим-ла кел...

Албатта, жиноятчилар ушланиб, қилмишларига яраша жазоланди. Бироқ милиционерларнинг турмуш ўртоқлари Жамилахон ва Гавҳархон тўрт нафардан фарзанд билан бева қолишди.

Бизнинг қўлимиздан нима ҳам келарди. Тақдирга тан бермасдан иложимиз йўқ.

Ушбу сатрларни ёзиб, ўшанда шифохонада оғир аҳволда тўлғаниб ётган Қутлимуроднинг дардига шерик бўлиб ўтирган Жамилахоннинг ёки Жуманазарнинг сўнги сўзларини эшитишдан бевақт жуда бўлган Гавҳархоннинг ярасини янгиламоқчи эмасман. Улар мени кечирсинлар...

Айни кунларда Жамилахон билан Гавҳархон фарзандлари ҳам ота, ҳам она бўлиб тарбия беришарди. Ҳар икки оилани Хоразм вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари ёлғизлатиб қўйгани йўқ: доимий равишда моддий ва маънавий ёрдам бериб келмоқда. Гавҳархон бўш пайтларида ижод ҳам қилар экан. Унинг қалб дафтарини варақларкансиз, Жуманазарга бўлган меҳр-муҳаббатини ҳис қиласиз:

**Мен сени соғиндим, соғинчим эдинг,
Ташна бу кўнглимнинг севинчи эдинг.
Муборак сиймонгни эслайман мудом,
Қийналган чоғимда суянчим эдинг.
Ўнгимда келмайсан, тушларимда кел,
Мени тарқ айлаган хуш дамим-ла кел,
Сенга атаб шеърлар ёзаман, жоним,
Олисларга учган қушларим-ла кел.**

Ҳозир ҳам ана шу оила аъзоларининг кўзлари интиқ, мурғак қалбларида юрак-бағрингизни эзиб юборадиган сўнгсиз бир нидо: «Қачон келасиз, дадажон...». Худди кечагина эл-юрт осойишталиги учун хизматга кетган дадалари шу бугун баҳорнинг майин саболаридай очик чехра билан хонадонга кириб келаётгандек, гўё бутун борлиқ уларнинг ташрифини кутаётгандек бўлаверади. Аммо улар ҳеч қачон қайтиб келишмайди...

Иброҳим ЮСУПОВ,
истеъфодаги майор

Яхши хулқ соҳиб



киради. Кайковуснинг «Қобуснома»си, ҳиндларнинг «Маҳобҳарата» ва «Рамаяна»си кўпчиликка маълум. Этибор қилсак, бу асарларда ахлоқ-одобнинг кичик кўринишлари ҳам мукамал ифода-ланган. Ислом динида ҳам ахлоқ мавзусига алоҳида эътибор берилган. Ҳадисларимизда ахлоқ улуғланган. Расулulloх (с.а.в.) айтдики, «Сизларнинг Аллоҳнинг ҳузурида энг яхшиларингиз яхши хулқиларингиздир».

Даҳо аждодларимиз ҳам хулқ мав-

лоқий фазилатларни баён этишдан чўчимаган.

Улуғ аждодларимиздан яна бири Бобур ҳам «Бобурнома» асарида даврининг пешқадам вакилларининг хулқ-атвори ҳақида шундай дейди: «...бисёр саховати бор эди. Хулқи дағи саховатича бор эди, хуш-хулқ ва ҳарроҳ ва фасиҳ ва ширин забон киши эрди, шужо ва мардона киши эрди».

Бойсунғур мирзонинг ахлоқий шамоили куйидагича таърифланади: «...адолатпеша ва одми ва хуштаб ва фазилатлиг подшоҳзода эди». Ўша даврнинг машҳур султонларидан бўлмиш Хусайн Бойқаро эса: «Ҳарроф ва хуш-хулқ киши эди. Хулқи бир нима гузаророқ воқе бўлиб эди, сўзи ҳам хулқидек эди», — дея эътироф этилади. Кўриниб турибдики, Умаршайх мирзонинг ахлоқида саховатлилик, Бойсунғур мирзода адолатпешалик устун туради. Хусайн Бойқарода эса қатъийлик ва ширин сўзлилиқ сезилади.

Аждодларимизнинг ахлоққа эътибори оддийгина салом-алиқда акс этиб туради. Улар кўчада, танишми-нотаниш, бир-бирига салом беришни қанда қилишмаган. Аслида ҳам ахлоқ оддий салом-алиқдан бошланади.

Бир сафар иш билан

Хизмат тақозоси билан ҳар кун бекатда автобус кутар эканмиз, куйидаги ҳолатга кўзимиз тушди: фаррош бекатни чекиб ташланган тамаки ва турли ширинлик қоғозларидан тозалайди. Гарчи бекатда чиқинди ташлайдиган махсус идиш бўлса-да, у яна қоғоз, чекилган тамаки қолдиқларига тўла бошлайди! Одамлар ҳам бу ҳолга ўрганиб қолгандек. Аслида ахлоқан майдалашиб кетиш, бепарволарча қарашнинг илк белгисини айнан жамоат жойларида кўриш мумкин.

Тошкент вилояти Қибрай туманига йўлим тушди. Кўча бўйлаб кетаётгандим, йўл четидаги икки қизнинг менга қараб кулганини ҳис қилдим. Хижолат бўлиб, бирор камчилигим бормикан деб уёқ-бўғимга қараб олдим. Ёнидан ўтаётиб, «Юкингиз оғирмасми, кўтаришиб юборайликми?» дея лўкма ташлаганини эшитдим. Ҳали мактаб ўқувчиси бўла туриб, ўтган-кетганга бунақа юзсизларча ҳазил қилиш яхшими?

Хуллас, таъбим хира бўлиб кетаётгандим, қаршимдан 7-8 ёшлардаги бола чиқиб қолди. Ёнимдан ўтаётиб, чиройли овозда «Ассалому алайкум» деди. Шошиб қолганимдан алик олишга зўрға улгурдим. Боягина ахлоқсизликка дуч келиб тургандим, бирдан намуна бўлишга арзийдиган ахлоқли киши учраб турибди.

Шуларни ўйларканман, қишлоғимиздаги чўпон ҳаёлимдан ўтди. Унинг ҳамроҳи таёқ ва сурув. Табиат кучоғида ҳаёлга берилиб, дардларини бор овоз билан дараларга айтиб юради. У кўринган йўловчи билан самимий кўришиб, одоб билан ҳол-аҳвол сўрарди. Ҳатто тунд йўловчининг ҳам чеҳрасини очиб юборарди бу



одати билан. Бу ҳолнинг иккита яхши жиҳати бор. Биринчидан, яхши хулқ соҳиб эканлигини намойиш этади. Иккинчидан, қанча савоб олади. Илло, яхши хулқ соҳиб бўлиш ҳозирги манфаатлар даврида жуда қийин...

Бекатда ўтирар эканман, ёнимда тик турган бир неча ўспирин ҳазиллашиб, бир-бирини лойга чаплаб ҳақоратлашарди. Ори бор инсон бундай ҳақоратга чидолмаслиги аниқ.

Шунда ёнимда ўтир-

ган бир мўсафид менга қараб: «Эҳ, болам, қандай замонларни кўрмадик. Лекин бу даражада бир-биримизни ҳақоратламасдик. Ҳазил ҳам шунақа бўладими? Ҳа, майли, ёшлик-да, ҳали куйилиб қолар», — дея изтироб билан гапирди. Мен эса автобус келгани учун энди сўкинмокчи бўлиб тургандим, тилимни тишладим. Бундан буён ҳар қандай вазиятда ҳам сўкинмасликка ўзимга-ўзим сўз бердим.

Акмал ТОШЕВ

Қаҳрамонлар қандай пайдо бўлади?

Боланинг табиати ажойиб бўлади. Соф, бегубор. Нимаки ёкса, унга интилади. Ҳавасландими, таклид қилади. Шу тарзда аста-секин характер шаклланади. Ҳар кун ишдан қайтаётганимда шовқини билан кўчани тўлдириб «урушаётган» «жангчи» (қўшни болалар)ларга дуч келаман. Фақат сериалларнинг қаҳрамонларига ўхшашига ҳаракат қилишади. Афсуски, «идеал»лар орасида бирорта ҳам аждодимизнинг номини учратмайсиз. Бу нимадан далолат? Нахотки, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Бобурдек боболаримиз бошқа миллатга мансуб Гумбок, Жумонглардан устун туролмасиз?



Бугуннинг боласи шаклланиш жараёнида кино, кўшиқ, интернет деган тушунчаларга алоҳида «эътибор» қаратаётган экан, ана шу воситаларни эзгуликка хизмат қилдира олайлик. Айни кунларда ТВ орқали берилаётган сериалларнинг юзига қора чаплашдан мутлақо йи-

роқмиз. Ҳар ҳолда улар океанорти давлатларининг турмуш тарзини, таъбир жоиз бўлса, «ғўзал ахлоқ»ни тарғиб қилувчи киномахсулотлардан афзалроқдек назаримда.

Мени қизиқтираётган жиҳат: нега келажагимиз эгаларига ҳақиқий намуна бўла олгулик шахсларни

кўрсата олмаёмиз? Бу кимнинг айби? Адибларнингми, киноижодкорларнинг?..

Узлуксиз берилаётган ва томошабин эътирофига сазовор бўлаётган корейс сериалларининг ютуғи нима? Ижобий қаҳрамонини чин дилдан яхши кўришингизга, салбийларидан нафратланишингизга нима мажбур этади? Нима учун уларнинг қаҳрамонларида табиийлик яққол кўзга ташланиб туради-ю, бизнинг киноқаҳрамонлар ясамалиқдан нарига ўтолмайди?

Аждодларимиз ҳақида қандай асар яратилмасин, уларнинг барчасида бенуқсон, умуман хатога йўл қўймайдиган, идеал характерлар жамланмасига дуч келамиз. Уларнинг бор-бўйи, ўй-хаёллари, керак бўлса хатолари билан иборатларини уйғунлаштирган ҳолда ҳақиқий саъят

асари яратиш лозим эмасми?

Миллий қаҳрамонларимизга руҳий яқинлик, ўз юртимиз тинчлиги учун олиб борилган ҳаракатлар бола тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Меъёрига етказиб ишланган, ҳаётий лавҳаларга бой, руҳият манзаралари барча нозикликларидан акс эттирилган ўзбек филмлари кўпаяверса, ўз-ўзидан миллийлигимизга дахл қилувчи филмларга эҳтиёж қолмайди. Кино миллийлигимизга қандай дахл қилиши мумкин дея ажабланарсиз? Биринчидан, сериаллар кетма-кетлиги бир хил кун тартибига мослашишни талаб қилиш орқали қанча вақтимизни ўғирлашини ҳисоблаб кўрганмисиз? Шу вақтни ўзимиз ва жамият учун фойдали бирор ишга сарфлаш маъқул эмасми? Иккинчидан, ҳар

қанча яхши бўлмасин, айти бир миллатнинг шонли ўтмишини тарғиб қилувчи филмнинг бири тугамасидан иккинчиси бошланиши, яъни қундалик намойиш томошабин онгига сингиб бораверади. Оқибатда ана шу тасаввурнинг миллий-маънавий тушунчаларимизга-да дахл қилиш хавфи туғилади. Учинчидан, нега имкониятимиз бўла туриб, дунёга ўзимизни, ўзлигимизни намойиш этувчи бирор асар тақдим эта олмаёмиз? Дунё айвонида мафкуравий ҳужумлар авж олган паллада одамларимиз онгини нима билан тўлдираямиз? Ўзганинг бугуни ва ўтмишига ҳурмат билан қараб қон-қонимизга сингиб кетган. Аввал ўзимизни қадрлаб, сўнг бошқаларга ҳурмат кўрсатганимиз яхши эмасми?

Дилдора Раҳмонова, «Ishonch» муҳбири



Шу йил 28-апрелдан 3-майга қадар республика касаба уюшмалари Федерация кенгаши Ўқув марказида Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси шаҳар ва туман кенгашлари раисларининг билим, кўникма ва малакаларини оширишлари учун ўқув курслари ташкиллаштирилди. 2-май кўни эса мазкур тадбир доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган касабакўмларнинг «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти аъзолари билан ижодий учрашуви бўлиб ўтди. Газета бош муҳаррири Абдуҳолик Абдураззоқов, масъул котиб Жаҳонгир Шарофбоев ва мухбир Умид Яъқубов катнашган ушбу учрашув «Жамият тараққиётида ОАВнинг ўрни» мавзусида ташкил этилди. Кўида самимий ва ошқоралик руҳида ўтган мазкур мулоқотдан ёзиб олинган репортажни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Муштарий — нашр ҳаками

Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ,
«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти бош муҳаррири:

— Газета ўқиш учун чиқарилади. Агар ўқувчи чоп этилган материални ўқимаса, уни ёзишдан ҳам, чоп этишдан ҳам маъни йўқ. Нашр том маънода халқона бўлгандагина унинг аудиторияси ҳам кенгайди, нуфузи ҳам ошади ва албатта жамият тараққиёти сари яна бир олга қадам ташланади. «Инсонга наф келтириш — олий бахт» сўзлари бу фақатгина шиор эмас, балки Касаба уюшмаларининг бутун борлиги, ҳаракат мазмуни ва том маънодаги характериридир. Айнан шу жараён минбари бўлган «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг халқ наشري бўлиши учун эса кеча-ю кундуз изланиш олиб бораёпмиз. Бир хил қолипдаги «шаблон иборалар», чайналмалар, ҳисоботлар билан бугуннинг ўқувчисини энди «алдаш»нинг иложи йўқ. Биз шуларни инобатга олиб, эртага бугундан ҳозирлик кўрган ҳолда, иложи борица, халқ дарди, кечинма ва истакларини табиий бўёқларда беришга уринаёпмиз. Буни қай даражада удалай олаяпмиз, сизларга ҳавола: Ўқувчи — матбуот ҳаками. Сизларнинг хоҳиш ва таклифларингиз биз учун ниҳоятда қимматли, чунки касаба уюшмалари тизимининг марказида ҳам инсон омили ўқилди бўлиб келган, бундан кейин ҳам шундай бўлади. «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари — халқ минбари. Мана сизлар, энг зиёли ва интеллектуал қатлам вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қиласизлар. Биргина муаллимни оладиган бўлсак, дунёдаги энг шарафли касб вакилларига нисбатан бугун давлат эътибори ҳар қачонгидан ҳам юқори. Аммо уларнинг барча муаммолари ҳал қилинган дея олмаймиз ва шу жараёнда оз бўлса-да ўз улушимизни қўшсак деймиз. Муштарийларимиз учун қўлайлик яратиш мақсадида жаҳон нашрларининг тажрибаларини ўрганаёпмиз. Мақсадимиз — нашримизни тўртта рангда, ҳам шаклан, ҳам мазмунан бойитилган ҳолда чоп этиш. Бунинг учун эса аввало ўқувчини ўрганишимиз лозим. Шунинг учун кўпроқ сизларни тингласак, ўйлайманки, биз учун ҳар томонлама фойдали бўлади...

Ҳалимжон ҚўШБОВ, Фарғона тумани:

— Севимли нашримиз ходимлари билан юзма-юз гаплашиб олишимиз ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Чунки иш юритишимиз учун мазкур нашр — қанотимиз. Бугун Фарғонада «Ishonch» муштарийлари сафи кенгаймоқда. Айниқса, касаба уюшма аралашуви билан ишга тикланганлар ҳақидаги материаллар бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қилаёпти. Ташкилотимиз ҳақида меҳнаткашларга тўғри тушунча беришда газета роса асқотаяпти.



Нурулло ФАХРИДДИНОВ, Пахтаобод тумани:

— «Ishonch» адабининг ошганлиги унинг аудиторияси кенгайганини билдиради. Газетамизни кўпинча хусусий нашрлар — «7x7», «Даракчи» билан таққослайман. Балки, улар «сарик газета»лардир. Аммо одамлар нега уларни ўқийди? Чунки жуда чарчаганда, кўнгил фақат дам олишни тусайди. Шунинг учун пастандачилик сирлари ҳақида, тиббий маслаҳатлар, киноюлдузлар ҳаётинан материаллар бериб борилса, «Ishonch» ҳам бозорбоп газета бўлармиди...



Саидмурод БОЙНАЗАРОВ, Сарийосиё тумани:

— Туманимизда 114 та таълим муассасаси бўлса, уларда меҳнат қилаётганларнинг «Ishonch»га ишончи баланд. Таклифим — ҳуқуқий савол-жавоб бериладиган саҳифа кўлами кенгайтирилиб, саволларга жавоблар қонунлардан шунчаки кўчириб олинмай, балки шарҳланган ҳолда, мисоллар билан тушунтирилса, фойдалироқ бўларди.



Раҳбарой ЖУМАОБОВА, Чортоқ тумани:

— Бугун жамиятимизнинг энг оғриқли нуқталаридан бири — ноқонуний меҳнат миграцияси. Айрим ўқитувчиларнинг Россия, Қозоғистон Республикаларига ишга кетиб, қайтиб келгач, яна ўз вазифасида ишлаётганига гувоҳ бўлаяпмиз. Муаллим — бола онгининг шаклланишида уни йўналтирувчи шахс эканлигини инобатга олсак, бу муаммо ечимини кўрсатишда, балки, туркум мақолалар тайёрлаш керакдир...



Ўлмас КАХХОРОВА, Чилонзор тумани:

— Дарҳақиқат, «Ishonch» саҳифаларида берилаётган мақолаларга ҳамиша суянсак-да, бироқ баъзан таълим тизимидаги айрим чалкаш жиҳатларни меҳнаткашларга шарҳлашда қийналиб қоламиз. Хусусан, бугун халқ таълими бўлимларида қоровул ва фаррош штати йўқ ёки касаллик варақасига пул тўлаш ҳақида ҳам ҳар хил қонунбузилиш ҳолатлари содир этилмоқда. Бу борада газетада алоҳида бир материал чоп этилса, яхши бўлар эди.



Мирзамуҳаммад ТЎХТАБОВ, Уйчи тумани:
— Раҳбарийнинг фикрларини қўллаб-қувватлайман.



Ҳақиқатан ҳам бугун баъзи ўқитувчилар ўз ишини қилмаяпти. Масалан, кўсак қурти пайдо бўлса, биология ўқитувчилари далага сафарбар қилинади. Ҳеч бўлмаганда, фермерлар мактаб билан шу хусусида шартнома тузиб қўйсалар, ҳар ҳолда ҳуқуқий жамият талабларига мос келар эди. Бу — жуда жиддий мавзу. Албатта, кўтариб чиқиш керак...



Эшпарда НИЁЗОВ, Ғузур тумани:

— Яқинда ёзувчи **Муҳаммад Алининг Амир Темур фарзандлари ҳақидаги мақоласини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Ана шунга ўхшаш тарихимизнинг очилмаган жиҳатлари ҳақида мақолаларни кўпроқ бериб борилишини истардик...**

Алижон МАТХОЛИҚОВ, Сирдарё тумани:

— Ҳуқуқий савол-жавоблар кўпроқ шу кундан келиб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Масалан, биз томондаги аёллар «учинчи бола кўрсак, 800.000 сўм жарима тўларканмиз» деган ваҳимада юрибди. Мендан ҳам сўрашди, жавоб беролмадим...



Бир сўз билан айтганда, ижодий учрашув жуда қизгин ва эркин мулоқот тарзида кечди. Бу эса нашримизнинг келгуси режаларини белгилаб олишимизда қўл келади, албатта. Қувонарлиси, фикрлар уйғоқ ва теран. Демак, ҳали ҳам ўзгалар ташвиши билан куйиб-ёниб яшаётган одамлар бор. Демак, ҳали ҳам виждонга эътиқод тирик. Демак, олдинга қадам ташлаяпмиз.

Ўз мухбиримиз ёзиб олди.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

? Чораклардаги таътиллار

1. Мен 13-мактабда 15 соат дарс ва 10-мактабда ўриндошлик асосида 8 соат дарс бераман. Бир ставкага 100 фоиз тўланса, 8 соат ўриндошлик асосида дарс берилишига 80 фоиз иш ҳақи берилади. Ҳар чоракда таътиллارга иш ҳақи ҳамда ўқув йили охиридаги таътил учун ҳам иш ҳақи тўланмайди деб айтишди. Шу тўғриси?

2. Келгуси ўқув йилида асосий иш жойимга ишлашга ўтсам, қўшимча фоиз ва рағбатлантириш олишга ҳаққим борми? (директор жамғармасидан).

Р.ЮЛДАШЕВ,
Хоразм вилояти

!

Ўриндошлик бўйича 8 соат дарсингиз учун соатбай ҳақ тўланади, ҳар чоракдаги таътиллارга ҳамда ўқув йили охиридаги таътил учун иш ҳақи тўланмайди.

Келгуси ўқув йилида асосий иш жойингизга ўтиб, бир ставкада ишласангиз тарбиявий жараён амалга оширилишининг сифати ва самарадорлигига, синфдан ташқари ишларга ҳамда ўқувчиларни инсонпарварлик ва меҳр-шафқат руҳида тарбиялашга қўшимча аниқ шахсий ҳиссага қараб ўқитувчилар томонидан олиб бориладиган тарбиявий ва синфдан ташқари ишлар учун 15 фоизгача миқдорда;

ўқувчиларни тест синовидан ўтказиш натижалари бўйича аниқланадиган тегишли синфлар ва ўқув предметлари учун тасдиқланган Давлат таълим стандартларида назарда тутилган билим ва кўникмалар тўлиқ ҳажмининг ўқувчилар томонидан ўзлаштириб олиниши даражасига қараб касб маҳорати ва ўқув жараёнига қўшилган аниқ ҳисса, ўқитишнинг юқори самарадорлиги ва сифати учун 25 фоизгача миқдорда белгиланади. Касб маҳорати ва ўқув жараёнига қўшилган аниқ ҳисса, ўқитишнинг юқори самарадорлиги ва сифати учун бошланғич синфлар ўқитувчиларига ҳар ойлик устама синф ишининг муайян кўрсаткичларига эришилган тақдирда, фанлар ўқитувчиларига эса ўқитиладиган фанлар бўйича муайян кўрсаткичларга эришилган тақдирда белгиланади.

Йўлдош АХМЕДОВ,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси
Марказий кенгаши бош мутахассиси

? Ишга қабул қилишмади

Ҳомиладорлигим туфайли ишга қабул қилишмади. Бу ҳолат қонунга зидми?
Ш.ЗОҲИДОВА,
Қашқадарё вилояти

!

Ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги туфайли аёлларни ишга қабул қилмаслик тақиқланади. Бу ҳақда МКнинг 224-моддасида тўхталган бўлиб, шундай ҳолат юз берганда иш берувчи рад этишнинг сабабларини ёзма равишда маълум қилиши шарт. Ишга қабул қилишни рад этганлик хусусида судга шикоят қилишингиз мумкин.

Иқболлой КҮЧКИНОВА,
хукукшунос

? Ижодий таътил

Номзодлик диссертацияси устида иш олиб бормоқдаман. Ишни тугаллаш учун асосий иш жойимдан қандай тартибда таътил олишим мумкин?
Н. ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент шаҳри

!

МКнинг 258-моддасига кўра, ишлаб чиқариш ёки педагогик фаолиятни илмий иш билан бирга қўшиб олиб бораётган шахсларга номзодлик ёки докторлик диссертацияларини аяқлаш, шунингдек дарсликлар ва ўқув-усlubий қўлланмалар ёзиш учун асосий иш жойида ўртача ойлик иш ҳақи ва лавозими сақланган ҳолда ижодий таътиллار берилади.

Бундай таътиллارнинг берилиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарорининг 7-илова-сида баён этилган. Унга кўра номзодлик диссертацияси ва дарсликлар ҳамда ўқув-усlubий қўлланмаларни тугаллашлари учун муаллифларга 3 ойгача муддатда таътил берилади.

Ижодий таътилларга ҳақ тўлаш белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, шунингдек, илмий кадрлар тайёрлаш учун назарда тутилган маблағлар доирасида амалга оширилади.


Ижодий таътиллари:

давлат олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларига — ушбу муассасалар Илмий кенгашининг тақдимномасига кўра директор (ректор) томонидан;

бошқа давлат корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари ходимларига — илм толиби бириктириб қўйилган олий ўқув юрти, илмий-тадқиқот муассасаси Илмий кенгашининг тақдимномасига кўра вазирлик (идора) томонидан берилади.

Илмий даражалар оловчи илм толибларига бериладиган ижодий таътиллари расмийлаштириш учун кафедра, шўъба, лаборатория ва шунга ўхшашлар Кенгашга сабаблари кўрсатилган илтимоснома юборади. Ижодий таътил олган шахслар, таътил тавом бўлгандан сўнг, қилинган ишлар тўғрисида ҳисобот тақдим этадилар. Илмий даражалар оловчи илм толибларига, шунингдек, дарсликлар ёки ўқув-усlubий қўлланмалар муаллифларига навбатдаги таътиллари, улар ижодий таътилларида фойдаланганликларидан қатъи назар, қонун билан белгиланган тартибда берилади.

Ғолибжон ЭГАМБЕРДИЕВ,
хукукшунос



Хатлар... Асабий хатлар... Оловли хатлар... Саволлар... Кескин жавоб талаб қиладиган саволлар... Ичида жавоби бор саволлар... Ажаб саволлар...

лай ё қисман бекор қилиб, ишни биринчи инстанция судига янгидан кўриш учун юборган-дир.

Аммо «Вилоят суди апелляция шикоятимга шу кунгача жавоб беришмаяпти» дейилади хатда.

Ишда иштирок этувчи шахслар суднинг қарори қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текшириш ҳақида шикоят билан қонунда белгиланган тартибда мурожаат қилишга ҳақлидир. Эҳтимол, белгиланган тартибнинг бузилиши Сиз айтган оқибатни келтириб чиқарган бўлиши мумкин. Белгиланган тартиб қандай? Мухими, апелляция шикояти апелляция инстанцияси номига ёзилади, аммо ҳал қилув қарори чиқарган судга берилади. Қачон? Ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан йигирма кун ичида.

Биринчи инстанция суди ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш учун белгиланган муддат ўтган вақтдан эътиборан ўн кун ичида ишни тушган шикоят билан бирга апелляция инстанция судига юбориши шарт. Апелляция инстанция суди кўришдан олдин ҳам маълум процессуал амалларни бажаради. Аммо билиб қўйиш керак, шикоят келиб тушган кундан эътиборан йигирма кундан кечиктирмай кўрилиши лозим. Бир нарсани ажаблантиради. Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин тарафлар ўша талаблар билан ўша асослар бўйича янгидан арз қилишлари мумкин эмас. Унда биринчи босқич судининг 3 та қарори қаердан пайдо бўлибди? Бу ёғини шикоятдан билиб бўлмайди.

Қонуний кучга кирган, апелляция тартибда кўрилмаган ҳал қилув қарори устидан суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан бир йил ичида тарафлар томонидан кассация шикояти берилиши ва прокурор протест келтириши мумкин. Кассация шикоятлари кассация инстанция суди номига ёзилади, аммо ҳал қилув қарори чиқарган судга берилади.

Ўзбекистон Республикаси барча судларининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари келтирилган протестлар бўйича назорат тартибда қайта кўрилиши мумкин. Ҳаммасини бирма бир айтишга ҳолат йўқ.

Хуллас, суд орқали ҳимояла-ниш ҳуқуқини таъминлаш муносабатлари фуқаролик процессуал қонунчилиги билан тўлиқ тартибга солинган. Қонунга тая-ниб ҳаракат қилган адолатга ета-ди. Қонунга суянган ҳеч кимдан кўрқмайди. Ишонамизки, ҳақ қарор топади. Ҳамма ҳам фақат худодан кўрқсин.

Довуд МАДИЕВ,
хукукшунос

менинг ер майдонимни контуридан чиқариб менга ерни ўлчаб берган тақдирда судга даъво аризаси билан мурожаат қилмаган бўлардим. Ҳақиқат но-ҳақлик пардаси билан тўсилди. Суд туман ер ресурслари ва ка-дастр бўлимининг сохта маълумотларига асосланиб қарор қабул қилди. Ахир, туман ҳокимлиги тутзорни пайхон қилиб, ўрнига уй-жой қуришга ҳеч қачон йўл қўймайди. 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Ер тўғрисида»ги Қонунда уй-жой учун 0,06 га ер майдони ажратиш кўрсатилган. Қандай қилиб туман ҳокими З. Холли-евга 0,15 га ер ажратади?

Бундан ташқари, ушбу маса-лада 2007 йил 09 июлда ФИБ Бухоро вилоят апелляция судлов ҳайъатига шикоят ёзганман. Ҳозиргача натижа йўқ. Ушбу маса-лада туман, вилоят раҳбарла-ри ёрдам беришмаяпти. Ўзбекис-тон Республикаси Президенти-нинг қатор фармон ва қарорла-рида фермерларни ҳар томон-лама қўллаб-қувватлаш, уларга ёрдам бериш кўрсатилган-ку...

...Ўзбошимчалик билан қонунсиз эгаллаб олинган 0,27 га ерни қайтариб олишга ёрдам беришингизни сўрайман.

Эслатма: Холлиев Зайнид-диннинг милтиги бўлиб, бирор киши ерни олиб беришга бор-са отаман, деб кўрқитади. Шу-нинг учун раҳбарлар у ерга бо-ришга кўрқади. Сизлар ҳам кўрқасизларми?

Олот тумани Авлиёкул бобо Иброғимов фермер хўжалиги раҳбари Чориева Норбиби. Имзо».

Фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари фуқаро-ларнинг шахсий, сиёсий, иқти-содий ва ижтимоий ҳуқуқлари-ни, эркинликлари ва манфаат-ларини, шунингдек, корхона-лар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқа-ролар ўз-ўзини бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишлари-ни кўриб чиқиш ва ҳал этишдан иборатдир. Ишни кўриш низо-ни кучайтиришга эмас, тинчлик ва тотувликни таъминлашга хиз-мат қилади.

Битта суд 3 та ҳал қилув қаро-ри чиқарди, шундан 2 таси ме-нинг фойдамга, 1 таси ме-нинг манфаатимга зид, дейди шикоятчи. ФПКнинг 212-модда-сида: «Иш бўйича ҳал қилув қарори ўқиб эшиттирилгандан кейин шу қарорни чиқарган суд-нинг ўзи уни бекор қилишга ёки ўзгартиришга ҳақли эмас. Балки, ФПКнинг 343-моддасига асосан апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бутун-

Судья

[illegible]

(Давоми. Боши аввалги сонда).

Икки юзи қизарган Дилбархоннинг кўнглида ҳадикдан асар ҳам қолмаганди. Азизжон машинани тўғри ўзига тегишли «харидор»нинг ҳовлиси томон ҳайдади. Уни рангдор дарвоза ёнида тўхтатиб, ўзи ичкарига кириб кетди. Зум ўтмай Азизжоннинг ортидан ўрта ёшлардаги бир озгин эркак ва қора чарм сумкачани билагига илиб олган бақалоқ аёл чиқиб, машинанинг орқа ўриндиғига жойлашишди.

— Харидорлар бориб, ҳовлини кўришади. Агар ёқса...

— И-бе, Обиддин акангиз уйда бўлса-я.

— Уйга кирмаймиз. Менга қўйиб беринг дедим-ку.

Йигит майин нигоҳ билан ишора қилиб аёлни тинчлантирди. Чиндан ҳам вазиятни тушунган устамон йигит эҳтиётлик билан иш кўраётганди. Мўлжалдан икки-уч ҳовли илгари уловни йўл четига тўхтатиб, ўзлари изма-из яёв кетишди, Дилбархон машинада ўтириб турадиган бўлди. Харидорлар ичкари кириб, то қайта кўча бўйида кўриниш бергунча жувон жуда торикди.

— Ҳаммаси ўйлаганимдай, опа. Ҳовли ёқди, — харидорлардан анча олдин ёнига келиб ўтирган Азизжон жувонга таскин берган бўлди. — Роппа-роса саккиз миллион сўмга келишдик.

Аёл ҳеч нима демади. Чунки ҳовли сотиш у ёқда турсин, нарх-наво хусусида ҳам ўйлаб кўргани йўқ эди. Шу орада эр-хотин ҳам бирин-кетин келиб ўтиришди.

— Ҳовлингиз таъмирга мухтож бўлса ҳам каттагина экан, ўргилай. Биз розимиз, — бақалоқ аёлнинг ич-ичидан хурсандлиги чехрасидан сезилиб турарди. — Ҳа, айтгандай, манави бойламли пулларни санаб олинг. Бу ерда икки юз минг. Қолганини Азизжондан эртага эрталаб санаб оласиз.

Дилбархон бели букилмаган мингталик пулларга бироз қараб турди-да, сўнг уни Азизжонга узатди:

— Мана қарзингиз, сиз ҳам рози бўлинг, ука.

— Қўйинг, опа, ҳозир қарзни ўйлайдиган пайт эмас. Ҳалол пулларингиз ўзингизга буюрсин. Эртага бундан қирқ баробар кўп пулни бир-бир санаб оласиз! Мен эса ёнингиздан.

Айтмоқчи, бориб уйдан паспортингизни олиб чиқсангиз. Нотариал идора ёпилиб қолмасдан баъзи қоғозларни расмийлаштириб қўяйлик.

Дилбархон уйига қайтиб келгач, эски нимчасининг чўнтагига бояги пулларни жойлаб, тутилмайдиган янги кўрпа-тўшакларнинг пастроқ катига яшириб қўйди. Агар эрталаб Азизжон қолган қисмини кўтариб келиб қолса, уларни қаерга жойлаштиришини ўйлаб, танг бўларди. Борди-ю, хўжайини хабар топиб қолса-чи?

Азизжон ҳам ўша кунни уйига кеч қайтди. Ўша рангдор дарвозали хонадонга борди-да, бир рўмол пулни қайтадан санаб чиқди. Сўнг уни икки қават қилиб полиетилен халтага жойлаштирди.

Уйига қайтиб, машинасини гаражга киритди-ю, тарқоқ ҳаёлларини жамлаб олмасдан, бир зум пул рўпарасида ўтирди: «Фақат эри гов бўлиб турибди-да. Бўлмаса

ўша Дилбарга пул тутқазадиган аҳмоқ йўқ. Шошма-шошма, агар Обиддинни бутунлай орадан олиб ташласак-чи? Унда Дилбарни авраш жуда осон. Ёлғиз боласи билан ижарада ҳам яшаб тураверади. Ўшанда бу пулларга... Йўқ, яхшиси янги «Дамас» сотиб оламан. Кўнгилчанлик кетмайди, қамчинни вақтида босиб қол, Азиз!».

У чордоққа чиқиб пулли тўрвани эски печ ичига жойлаштирди. Дилбархонларникига эса атай эртаси кунни чашноқларда борди.

— Тугунсиз келганимдан хавотир олманг, опа. Аввал бир қарорга келмасак бўлмайди.

— Тўғри ўйлабсиз. Ростини, Обиддин акангизга бу фикр-

Анвар икки кафтини белига тираганча суҳбатдошига қараб ишшайди:

— Қизиксиз-а, мен ҳали шунча юриб пулдан юз ўғирган кишини учратмаганман.

— Бўлмаса, гап бундай...

Келишилган кун тонгда уй-ғонгач, Дилбархон ўғли Бунёджонни ҳам эргаштириб уйдан чиқ-

Дўзах домидан

НИДО

ни ўткази олишга кўзим етмай турибди. Агар бу ишимиздан хабар топса...

— Ҳа, отангизга балли! Шундай экан, ўйлаб кўринг. Сиз касал бўлиш учун яралганмисиз? Умуман, сизга шу инқир-синқир эрнинг нима кераги бор? Бундай даври даврон сурганингиз қолади. Жон опа!

— Йўқчилик захри суякка етди. Пулларни қайтарсам қандай яшаймиз, билмайман.

— Обиддин акани йўқотинг. Пулнинг ярмига бошпана олсангиз, ярми билан шохона яшайсиз. Қундузхон дўгонангиздек қўша-қўша кийим оласиз.

— Қандай йўқ қилай? Тирик жон бўлса.

— Ҳа, опагинам-а, шу ҳам гап бўлди-ми? Сиз амр қилсангиз бўлди!

Дилбархон гап моҳиятини чуқур ўйлаб кўргани йўқ эди. Аммо барибир Азизжоннинг гапи унга ёқиб тушди. Қаҳ-қаҳ уриб куларкан, муғомбирона қараш билан қўлини суҳбатдошига узатди.

— Бўпти, келишдик.

АЗРОИЛГА ОСОН ТУТИБ...

Азизжон пулларни қўлдан чиқармаслик учун бош қотираркан, бунинг бирдан-бир йўли Обиддинни гумдон қилиш бўлиб туюларди. Режа туза туриб, уста Анварнинг номзоди устида тўхталди: «Ўз ишини пухта бажарадиганлар хилидан». У Самарқанднинг олис туманидан иш излаб келганди. Ўшанда Анварнинг қўли гул эканлиги маълум бўлгач, унга буюртма берадиганлар кўпайиб қолган, кейинги пайтларда Азизнинг тоғасининг уйини таъмирлаш билан банд эди.

Кечга яқин Азиз тоғасиникига келиб, уста йигитга четроққа чиқ дегандай ишора қилди.

— Анваржон, ҳорманг. Ўзи бир ойда қанча пул ишлайсиз шу касб-корингизда?

— Ҳа, энди... Нолисак увол бўлади. Қаражатлардан орттириб оилага 200-250 минг сўмгача жўнатиб турибман.

— Шу айтган пулингизни бир кунда ишлашни хоҳлайсизми?

ди. Уни холаси қўлига топшириб, бир неча кун қараб туришини сўради. Ўзи эса пахта теримига жўнади.

Азизнинг кайфияти анча баланд эди. Байрамга отланаётгандек оҳорли кийимларини кийди. Йўлга чиққач, гузардаги бозорчадан икки-та арқон сотиб олди. Дилбархонларникига келганида Обиддин энди қўл-юзини ювиб, артиниб турарди. Гапга чечан эмасми, Азиз уни ўзи билан кетишга кўндирди.

— Юрган дарё, ўтирган бўйра дейдилар, ака. Сиз ҳам бундоқ ҳаво алмаштириб, яхши-ёмонни кўриб турсангиз. Хоҳласангиз менга ҳамроҳ бўлинг. Зарафшон шаҳрига бориб, машинанинг ҳужжатларини тахлаб келардик. Қанча харж кетса, мана биздан.

Кутилмаган илтифотдан Обиддиннинг чиройи очилди. Оч-наҳорлай гузардошига эргашиб, сафарга отланди.

Анвар ҳам айтилган жойда кутиб турарди. Кўп ўтмай учовлон хуш кайфият билан «Тошкент-Бухоро» йўлига чиқиб олишди. Қарийб 500 километрлик йўлни ортда қолдириб, тунда Навоий вилоятидан кўним топишди. Меҳмонхонадаги кафе ихчамроқ бўлгани билан хизмати уларга ёқди. Ароқ ичиб, шу ерда дам олиб қолдилар. Эрталаб Зарафшонга жўнашди.

Бир хил манзара барибир кишини толиқтириб қўяр экан. Уловни қанча жадаллатмасин, Азизга йўли унаётгандек туюларди. Бетартиб ўсган юлғун ва саксовуллар, ер бағирлаган шуволларни ҳисобга олмганда икки ёнда ҳам адоғсиз қизил қумликлар.

Машинанинг бир маромда тебранишидан Обиддин лоҳас тортиб, орқа ўриндиқда ухлаб қолди. Катта йўлда машиналар қатнови узилмасди. Хилватроқ жойда тўхтайлик дейишса, яқин орада ички йўллар деярли учрамади. Шу аснода 200 километрча йўл босишгач, Азизнинг асаби қақшай бошлади:

— Нима қилдик, Анвар? Ҳадемай Зарафшонга ета-

миз-ку.

— Мен ҳам ҳайронман. Машинани тўхтатинг-чи.

Йўлнинг ўнг томонида олтин заводнинг қурилмаси кўриниб турарди. Олдинроқда эса саксовулзор.

— Бўлинг, машинани ўша томонга ҳайданг.

Азиз бир амаллаб пастликдаги сўқмоқ йўлга машинани эндирди. Обиддин уйғониб сўради:

— Қаерга келдик, ука, ҳали Зарафшонга узоқми?

Азиз жавоб бериш ўрнига ич-ичидан ижирғаниб сўкинди. Сўнг шу оралиқда уловдан туширамиз дегандек ёнидаги шеригининг тиззасига туртиб қўйди. Шу пайт кутилмаган ҳодиса юз берди. Рўпарадаги йўлакча бўйлаб бесўнақай лапангланча икки ўрқачли туя қочиб чиқди. Ортидан гулдор қалпоқ кийиб олган 20-25 ёшлардаги қозоқ йигит уни қувиб келарди. Отлиқни кўргач, иккаласининг ҳам шашти пасайди.

— Таваккал қилмайлик, Азизжон. Чўл кенг бўлгани билан бизга носинашта. Яхшиси, мен билган хилватликларга қайтамиз.

Обиддин ниманидир сезди.

— Нега изга қайтаяпмиз, ука?

— Ҳадеб ука-ука деяверманг! Телефонда гаплашдик. Мен айтган одам уйда эмас экан.

Обиддин менга нима дегандай қўл силтаб, буқланган костюмини бошига қўйди-да, орқа ўриндиққа чўзилди. Бу орада Азиз ҳовуридан тушиб, муносабатни бироз мустаҳкамлаб қўймоқчи бўлди:

— Сизга мазза-да, ака. Хоҳласангиз турасиз, хоҳласангиз ётасиз. Дунёни сув босса тўпигингизга чиқмайди. Ҳи-ҳи-ҳи!..

— Ҳа энди, бошқа нима ҳам қилардик? Рул сизда бўлгач, чалган куйингизга ўйнаймиз-да.

— Тўғри, сиз ётиб йўл уйқусини олволинг. Навоийга қайтиб борайлик, ўзим бир зиёфат қилайки, икки дунёда ҳам эсдан чиқармайсиз.

Азизжон мағрур кулар, гап орасида Анварга кўз қисиб қўярди. Бу орада кун ҳам анча оғиб қолди. Ваъдага мувофиқ йўл бўйидаги тамаддиҳоналардан бирида мириқиб овқатландилар. Кейин «Янги бозор»ни бошидан адоғигача кезиб, сўнг шаҳар қўли томон ўтишди.

Кейинги режа аниқ эди. Кечки овқатдан кейин «йўлда толиқиб қолмаслик» учун машина ўриндиқларини ётқизиб, анча вақт ухлаб ҳам олишди.

Машина «Каттақўрғон-Самарқанд» йўналиши бўйлаб кетаётганда соат миллари тунги 2 ни қоралаб қолганди. Азиз аввалдан кўнглини тўқ қилиш учун йўл ёқасидаги ёнилғи қуйиш шохобчаларидан бирига кириб, уловига бензин қўйдирди. Сўнг юкхонани очиб, ундаги иккита 5 литрлик идишни ҳам тўлдириб олди. Уларни жойлаштиригач, кеча солган арқонини юзaroқ жойга олиб, шай қилиб қайтди.

(Давоми бор).

Аҳадхон ЖАМОЛОВ,
Пастдарғом туман
прокуратураси
катта терговчиси.
Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири



Сизнинг фол китобингиз

ёки ўзингизга ишонинг

Тақдир бутун инсоният устидан тўла ҳукмронлик қила оладиган ягона қудрат. Инсон дунёга келганидан бошлаб ҳар лаҳза ўлимнинг ихтиёрида, ўлим вақтнинг ихтиёрида, вақт тақдирнинг ихтиёрида бўлади. Демак, тақдир — вақт, вақт эса туғилиш ва ўлим орасидаги улуш, вақт — ҳукм, вақт — ҳужжат. Шундай экан, тақдир инсоннинг қўлидами ёки инсон тақдирнинг измидами?

ҳолат аста-секин йўқолади, унутлади. Аммо унинг акси бўлган реал воқелик инсоннинг ўзига бўлган ишончини йўқотиши, журъатсиз, ҳатто тушкун ҳолатга солиб қўйиши мумкин. Башоратларга қаттиқ берилиш инсоннинг ирода ва ақлий қобилиятига кўпинча салбий таъсир кўрсатади.

Туш таъбири ҳам фолнинг бир шакли. Насимхон Рахмонов туркийлардаги қадимги «Фол китоби» — «Ирқ битиги» ва маний ёзувидаги таъбирномани ўрганар экан, таъбирчи оддий маиший деталлар орқали ўз даврининг муҳим муаммоларини кўтариб чиққанини таъкидлайди.

Чиндан ҳам инсон тушидаги нарс ва ҳодисаларни асосан ўз фойдасига кўра шарҳлайди, ўз мақсадига йўналтиради, айрим ўринларда ўз шубҳаларига кўра талқин этади.

Таъбир диний нуқтаи назардан Юсуф алайҳиссаломнинг пайғамбарлик мўъжизаси сифатида ижобий ҳодиса саналади. Яъни инсон олдиндан билиши мумкин бўлган хабар.

Шунга кўра тушлар таъбири жуда узок ўтмишга бориб тақалади, асрлар давомида инсонларнинг ҳаётини кузатиш ва тажрибаларидан келиб чиқиб асосланади. Аммо ҳар қандай туш ҳам башорат бўла олмайд.

Бизнингча, туш таъбири инсоният яралишининг илк даврларига бориб тақалади. Шундай экан, фолбинлик диний дунёқарашдан қадимийроқ ҳодиса бўлиши керак. Аммо бизгача етиб келган фол китоблари диний тасаввурлар атрофида шаклланган ва ривожланган. Айниқса, 17 — 19-аср оралигида Ўрта Осиёда фолбинлик китоблари ниҳоятда кўп таржима қилинган, яратилган. Европада 18-аср охири — 19-асрнинг биринчи ярми «гипнознинг олтин асри», Франция унинг маркази саналган. Ф.Мустафоев бу Аббат Фарианинг ҳиндлардан таълим олиши билан (А.Дюманинг «Граф Монте Кристо» асаридаги образ, машҳур гипнозчи) боғлиқлигини айтади.

Ўрта Осиё, хусусан, Бухоро хонлигида ҳам бу даврда илоҳий сирлари, фол илми гоёат авж олган. Бухорода ўша даврларда алоҳида савдогар ҳиндлар маҳалласи ҳам бўлиб, амирлик кутубхонасида хитой, уйгур, араб ва ҳинд асарлари ҳам сақланган. Ҳозир ҳам ЎзФА қўлёзмалар фондида «Фолномаи мунажжимони Кашмир» каби асарлар мавжуд. Демак, магик таълимотнинг тараққиётида ҳиндларнинг таъсири сезилса-да, бироқ Ўрта Осиёда фол илмининг авж олишига диний-этиқодий яқинлик жиҳатдан Эроннинг таъсири кўпроқ бўлган.

Форс тилидан таржима қилинган, кўчирилган юзлаб



асарлар ҳозир ҳам республикамиз кутубхоналарида, баъзилари маҳаллий халқ қўлида сақланади.

Қуръони карим асосида илми китоб, илми толеъ, ҳар хил доналар ёки қум зарралари ёрдамида раммол ё қуръа; юлдузлар билан боғлиқ ҳолда яратилган тақвими нужум, тақвими ой, кун, соат-толеъ китобларининг ҳар бири алоҳида йўналишдаги илмий асар саналади. Олим ва ҳаттот Муҳаммад Сиддиқ Ҳашмат Бухорийнинг раммол, нужум ва бошқа фол илмига оид бир неча мусаввадалари шарқшунослик фондида сақланади.

«Қуръон фолномаси», «Муҳаммад расулulloҳ фолномаси», «Фолнома ва толеъномаи Сулаймон», «Девномаи Сулаймон», ҳазрат имом Жаъфар Содик, ҳазрат Али, Хорун ар-Рашид фолномалари арабчадан форс тилига таржима қилинган, бир қисми туркий тилга ўзлаштирилган. 18-асрда Эроннинг Ўрта Осиё хонлиқларини босиб олиши, табиийки, илм-фан ва адабиётга ҳам таъсир этган. Эронда ҳозирга қадар хожа Ҳофиз Шерозий девони билан фол очиш одати бўлиб, қўлёзмалар фондида бу китобнинг ўнлаб нусхалари бор.

Тарихий даврни кузатар экан, фол илмининг тараққий этиши илмий жиҳатдан балки ижобий ҳодиса саналар, аммо ижтимоий жиҳатдан халқнинг ҳаётини яхшилашга ёрдам бермаган. Инсон ўз теварагида кечаётган, ўз шахсида содир бўлаётган ўзгаришларга ҳаётини, ҳаёлий сабаб ва изоҳлар ахтариши шахс ва жамиятнинг маълум фожиаларига сабаб бўлган.

Бугунги замондошимизнинг ҳам расталарда кўпайиб қолган дуо, фол, таъбир китобларига ружу қўйиши қайсидир маънода ўз руҳиятини озиклантириш бўлса, қайсидир маънода ҳаёт ҳақиқатларидан узоқлашишига сабаб бўлмоқда. Ҳеч инкор этиб бўлмайди, дуо, фол, таъбир бор илм. Бироқ ниҳоятда огир, мураккаб руҳоний илм. Унга кўр-кўрона берилиш, бошқаларни ҳам эргаштириш

инсон шахсининг муқаррар фожиасига сабаб бўлиши мумкин. Зеро, оқил инсон дунё ишларида дунёвий, ғайб йўлида илоҳий тадбир қўллайди. Ҳар қандай саволга жавоб инсоннинг ўзида, ўз ботинида мавжуд, фақат у ўз кучи, иродаси, тафаккурини тўғри шакллантириш йўлида ҳаракатдан тўхтамаслиги керак. Барча замонларда фол илмидан хабардор бўлган ғайб олимлари, биз бу ўринда олим сўзини қўллашга тўла ҳақимиз, саноклигина бўлган ҳамда улар бу йўлда гоёат эҳтиёткорлик билан иш кўрганлар. Аммо тирикчилик дардида ғайб ва илоҳий ҳақида тасаввур ҳам бўлмаган миллионлаб башоратчи, фолбинлар барча замонлардаги каби ҳозир ҳам мавжуд. Шундай экан, инсон ўз-ўзини алдаши эмас, кутқариши лозим. Нажот йўли эса маърифатда. Фақат маърифат инсоннинг халоскори бўла олади. Ёшингиз олтмишга етган бир пайтда эртақ ўқиш ҳеч ҳаёлга келмас балки. Аммо болалик тасаввурини шакллантириш учун ўйлаб, тўкиб чиқарилган шу эртақларнинг ҳам ўз ҳаёт ҳақиқати, минг йиллар давомида эскирмаган аёвсиз ҳақиқатлари бор.

Эртақ ўқиш фолбиннинг эртақларини эшитишдан кўра бе-зиён машғулот.

«Тўғри ўйланган тадбир ҳамиша тақдир билан мувофиқ келади» — бу Амир Темурдан ибратдир.

Фол инсон руҳидаги ғарибликни ортттиради. Сизга қайсидир яқинингиз сеҳр-жоду қилдиргани ёки шунга ўхшаш сабабларга кўра ишингиз юришмаётгани таъбир қилинди. Кўнглингизда шубҳа уйғонади. Тахминлар билан «душманингиз»ни топасиз. Ўзингизча балки унга чора ҳам қўлларсиз, аммо айтинг-чи, асосингиз борми? Шубҳангизни бирор далил билан тасдиқлай оласизми? Йўқ! Ҳазарга куч, фолбин, пул сарфлашдан бошқа ҳеч нарсага эришганингиз ҳам йўқ.

Ўзингизга, ўз тафаккурингиз кучига ишонинг.

Дилором ҲАМРОЕВА,
филология фанлари номзоди

Тақдир инсоннинг ўз қўлида. Тақдир нима? Тақдир — бизга берилган вақт. Бугун дон сочсангиз, эрта ҳосил оласиз; пайҳон қилсангиз, унинг ҳам эртаси шунга яраша бўлади.

Вақт нима? Вақт — бизга ажратилган тенги йўқ сармоя. Келажак сарф этаётганимиз вақт ҳисобига қўлга киритилади аслида. Аммо тақдир инсонга вақтни чегаралаб берган, яъни биз уни ҳаёт деймиз. Ҳаёт абадиятнинг вақт билан ўлчанган, чекланган бир қисми. Алалоқибат, инсон тақдирнинг измида. Инсон ўз ҳаётининг эгаси, ҳатто ижодкори, аммо мутлақ тақдирнинг қулидир. Чунки ўлим инсоннинг ихтиёрида эмас. Кейинги лаҳзада яшаш ёки яшамаслигини ҳеч ким айтиб бера олмайд.

Ўлим нима?

Ўлим — белгиланган муддатнинг тугаши, ҳаётнинг якуни. Ўрни, фурсати, сабаби аён қилинмаган сир. Ҳаётнинг асил моҳияти ҳам шу сирнинг ортида яширинган. Уни англаш, олдиндан билиш иштиёқини эса биз ибтидоий шаклда фол, таъбир, башорат деймиз.

Фол, фолбинлик нима?

Тушунчамиздаги фол ва таъбир, асли, инсоннинг ички ахбороти. Инсонда табиий ҳолда иккита ички ахборот мавжуд. Биринчиси — ўлим. Ўлим ҳар лаҳза муқаррарлигини тушуна ҳам, инсон унинг аниқ вақт-соатини билмайди. Айни дақиқада унга тегишли эмас, уни четлаб ўтадигандек ўлимни ички бир қаршилиқ билан тан олгиси келмайди. Аммо келажакни олдиндан билишга рағбат кўрсатар экан, ҳар қандай одам ўзи тўла идрок этмаган ҳолда ўлимдан хавфсирайди. Воқеаликни олдиндан билишга қизиқиш яшаш иштиёқидан келиб чиққан. Ҳаёт ҳар қанча мураккаб ёки огир бўлмасин, ҳеч ким бемаврид ва беиззат ўлим топишни истамайди. Уч, беш, ўн йилдан кейин бўлажак ҳодиса ҳақида башорат қилинар экан, инсон, авваламбор, шунча муддат яшаши ҳақида маълумот олади.

Иккинчиси, ўлимдан кейин инсон шуурида ҳаёт ҳақидаги ички ахборот яшайди.

Ҳаёт — вақт деган эдик. Вақт эса имкониятдир. Вақт борми, демак, ҳамиша ниманидир

ўзгартириш учун имконият бор. Бироқ инсон ҳар доим ҳам ўз имкониятларини қачон, қаерда, қай тарзда қўлга киритишини аниқ билмайди. Шунинг учун ҳаёт ҳақидаги ички ахборотни четдан тўлдиришга эҳтиёж сезади. Фол очирар экан, биринчи навбатда, одам ўзини янги ахборот билан таъминлайди, ҳатто ўзида мавжуд ички қудратни, руҳиятини шу маълумотга мослаштиради. Масалан, бугун сизга муваффақиятсизлик башорат қилинди. Ўзингизни руҳан шунга тайёрлайсиз ва ўз ихтиёрингиз билан муваффақиятсизлик томон юрасиз. Ҳолбуки, бугун ҳаётингиздаги энг омадли кун бўлиши мумкин эди. Демак, воқеликни олдиндан билиш, фолбинлик йўқ нарсаму дейишингиз мумкин. Ундай эмас.

Ҳар қандай инсон ўз ҳаётининг башоратчиси аслида. Яъни инсон ўз қисматини танийди: ички бир сезги билан воқеликни олдиндан ҳис этади. «Кўнглим сезди», «кўнглимга келди», «кўнглим чопмади», ахир бу эътирофларни ҳар биримиз айтаемиз. Аммо ҳодисаларни аниқлаштириш, ҳолатларни тўла идрок этиш иқтисодирига эга эмасмиз. Чунки воқеликни олдиндан билиш учун фикрлаш қуввати ёруғлик тезлиги даражасида, ҳатто ундан юқори бўлиши керак. Эҳтиёжимиздан кўра пастроқ бўлган фикрлаш қуввати руҳий беқарорликни, фол, таъбир каби четки ахборотга қизиқишни ортттиради. Фолбиннинг ҳар бир гапини инсон миясидаги тайёр маълумотлар билан солиштирар экан, рост ёки ёлғонга ажратади. Ихтиёрсиз тарзда бир қисмини ҳаётини режалари таркибига киритади ва кўп ҳолда ўз-ўзини алдайди. Демак, умидворлик ва алданиш ўртасида баъзан одам реал воқеликдан чалғийди, аммо кўпинча бундан руҳий озуқа олади. Айтайлик, катта мансаб ёки кутилмаган бахт башорат қилинди. Маълум бир вақт, ҳатто ойлаб инсон яхши кайфиятда бўлади, юқори иш қувватида ҳаракат қилади. Бу худди виртуал ҳолат: телефон ёки интернет мулоқотида; ундан ҳам кўпроқ яхши тушдан олинган кучли таассуротга ўхшаб кетади. Муайян вақтдан кейин бу

Иккинчи жаҳон уруши тугаганига 63 йил бўлаяпти. Унинг халқимиз бошига солган қулфатлари ҳали унутилгани йўқ. Уруш қатнашчиси, бир неча жанговар орден ва медаллар соҳиби, раҳматли Мамаражаб Муҳаммадиевнинг хотира дафтарини ўқиб, ўша суронли йиллар нафасини туйгандек бўлдик. Бугунги дориломон кунларимиз учун қон тўккан боболаримиз руҳи олдида ҳамиша таъзимдамиз. Куйида хотира дафтаридан айрим лавҳалар эътиборингизга ҳавола этилаяпти.



Мен 1922 йили Каттакўрғон туманидаги Янгиобод қишлоғида туғилганман. 1935 йили Болтабек қишлоғидаги мактабда 4-синфни тамомладим. 7-синфни Қадан қишлоғида, 10-синфни 1941 йили Пайшанбадаги Ленин номли ўрта мактабда тугатдим.

1941 йили 22 июн куни эрталаб Германия мамлакатимизга қарши уруш бошлады.

Сталин номли колхозда табелчи бўлиб ишлардим. 1942 йили 7 июн куни менга военкоматдан чақириқ қоғози келди. Шу куни ишимни Раб-бимқул Ослановга топшириб, урушга жўнаш тараддулига тушдим.

Онам ва Раббимқул бир тўрвага тўртта нон солиб, хайрлашиб жўнатди. Пиёда Пайшанбадаги ҳарбий идорага бордим. У ердан бизни Каттакўрғон вокзалига олиб боришди. Кечкурун юк поездида чиқариб, 8 июн куни Тошкентга олиб боришди. Ўша куни Тошкент вокзалида Усмон Юсупов палов билан меҳмон қилиб, оқ йўл тилаб Россияга жўнатди.

Шундай қилиб бизни Саратов вилоятининг Раттишово станцияси ёнидаги ҳарбий лагерда урушга тайёрлай бошлашди.

Сентябр ойида Москва яқинидаги Калинин fronti чегарасига олиб бориб, артиллерия дивизиясига қўшиб, 76-миллиметрли тўпдан отиш усулларини ўргатишди.

Мен ўрта маълумотли бўлганим учун рус тилидан қийналмадим. Ҳамма топшириқларни тушуниб бажарардим. Полкимиз 176-артиллерия полки эди.

Биз жанг қилмоқчи бўлиб турган жой очик қир, пасти сой, яна қир, ундан нарида пиёда аскарлар, уларнинг олдида Волга дарёсининг Москва томонга оқадиган бир тармоғи, дарё ёқасида немислар бор эди. Ҳаво жуда совуқ. Жанг қилишимиздан уч кун олдин кечаси окопда бораётсам қиётлик жўрам Шохўжаев Муҳиддин траншея деворига суяниб совуқдан қотиб қолибди. Қимирлай олмади. Уни кучоқлаб судраб, орқага — ертўлага олиб келдим-да, санитар-инструкторга топширдим. Шундан кейин Шохўжаевни уйга келгач, урушдан кейин кўрдим.

1942 йил 25 ноябр куни жангга кирдик. Немисларни ҳайдаб, 5-6 та қишлоқни озод этиб, 11 километр қувиб бордик. Бу орада взводимизда 4 та тўпдан 1 та қолди. Бошқаларини немислар ишдан чиқарди. Тўпларни тортадиган 41 та отимиз бор эди. Улар ҳам ярадор бўлиб, ўлиб тамом бўлди. Гўштини қайнатиб едик.

Урушда фақат бир маҳал, кечаси овқат келтириб беришарди. Баъзида ўша ҳам бўлмай қоларди. Шу 11 километр жойни озод қилиб олгунча ҳалок бўлганларнинг ҳисоби йўқ.

Бир ўрмондан иккинчисига ўтиб олгунча орадаги очик жойда ҳар қаламда бир одам ўлди десам бўлади. Бизни аямай олдинга ҳайдашар

Нонни ошхонага бериб сухари қилдирдим...

Тузалиб, бир халта сухари, бир котелок сариёғ, бир халта шакар билан госпиталдан чиқиб, 1943 йил ноябр ойида Ленинград шаҳрига бордим. Шаҳарни немислар узоққа отадиган тўплардан ўққа тутиб турарди.

қага қайтмоқчи бўлиб қимирласам, орқамда бир қалмиқ солдат ярадор ҳам бўлмай менга ёпишиб ётган экан. У орқамдаги қўл пулемёти диски ва ўқ солинган тўрвани ечиб, мендан ажратди. Шундан кейин унга илтимос қилиб, мени эргаштириб кет дедим. Шунда у орқамдан ўрмалаб юр деб олдимга тўйдди. Шундай қилиб дарёнинг ўртасигача ўрмалашиб бордик. Кейин менга қарамай туриб қочиб кетди. Ўрнимдан туролмай муз устида — дарё ўртасида қолдим. Кейин худога нола қилиб, базўр туриб олдим-да, аста-секин ўзимизникилар турган ўрмонга йўл

дираб туриб, гоҳ йиқилиб, гоҳ туриб қоча бошладим. Аскарларимиздан бири отиб ташлайман деган эди, командир оттирмади. «Қўйинглари, ўлмай кетсин, биз яқинда урушни тамомлаймиз. Бу немис тузалиб, қайтиб урушга қирмайди. У бизнинг қимлигимизни билсин ва немисларга айтиб юрсин», — деди...

...Найси шаҳрида мудофаада турганимизда бир иморатнинг ичида яшиқда қумга қўмилган қизил сабзи кўриб қолдим. Ўзимизнинг палов эсимга тушди. Кейин шаҳардаги уйларга кириб гуруч изладим. Иккита уйда иккита немис момо кароватда ётибди. Мени кўриб немис-чалаб сув бер деб сўраб қолишди. У ерда сув йўқ эди. Кейин бошқа уйларни ахтардим. Шаҳарда шу икки кампирдан бошқа одамни кўрмадим. Бари қочиб кетган экан. Охири бир уйдан яхши гуруч топиб олиб бордим-да, фарғоналик санитаримиз Абдуқодиров Абдурахмон акага мен гуруч, сабзи топсам ош қиласизми деб айтдим. У киши ишонмади. Мен гуруч билан сабзини кўрсатдим. Ёргўшт кўп эди. Сергўшт, серсабзи қилиб ош пиширдик. Кейин бир товоқ паловни бошлиғимизнинг хо-

Мамаражаб Муҳаммадиев

Каттакўрғондан Берлингача...



эди.

Шундай қилиб, битта тўпимиз бутун қолгандан кейин бизга тўпни олдинга олиб чиқиб, маскировка қилиб қўйиб, немис танки пайдо бўлса отасизлар деган буйруқ бўлди.

1942 йил декабр ойининг бошлари эди. Арчаларнинг тагида, қорнинг устида ётамиз, траншея ҳам йўқ. Фақат взвод командири ва бўлинма командирича битта сабзи ўрадай окоп бор.

Шохўжаев Муҳиддин кетгандан кейин Тарнов қишлоғида Шавқиев Муҳиддин деган бола билан биргамиз. 10 — 11-декабр кунлари бизга овқат келмай қолди. Қоринлар оч. 11 декабр туш вақти немислар ҳам, бизлар ҳам отишмай қўйдик. Тинчмиз. Шу вақт мен Муҳиддинга «Жўра, мен немислар томонга қараб тураман. Сен орқамизда (40-50 метр келди) ётган ўлиқларнинг сумкасини кўр қани, нони бўлса олиб кел» деб жўнатдим.

Бир вақт Муҳиддин ярим тўрва нон олиб келди. Нондан ташқари кўп пул ҳам олиб келибди. Мен дарров нонни олиб тўрвадаги от гўшти билан ея бошладим. Муҳиддин қўйнидаги пулни ерга тўкиб, санашиб юбор деди. Нима қиласан пулни десам, ярадор бўлиб чиқиб кетсак еймиз, уйга юборамиз деди. Керак бўлса санаб олсанми-санамай олсанми, менга керак эмас, ўлмасам бир кунимни кўрарман дедим. Шундан кейин у нонни ҳам емай, пул санашга тушди. 30 сўмлик қизил пуллар ҳам бор эди...

1942 йили 11 декабр куни оғир яраланиб, Иваново шаҳридаги госпиталга келдим. Бу ерда операция қилиб, қуймичимдаги осколкани олишди, туршакдай қиррали осколка экан. Чап қўлимни операция қилиб, суякларини тозалади. Уч ойдан кейин Қозон шаҳри ёнидаги госпиталга олиб келишди. Бу ерда уч ой даволаб, ўша вақтдаги Молотов вилоятининг Платошина деган станциясига, урушдан илгари ўрта мактаб бўлган госпиталга жойлаштиришди. Бу вақт 1943 йил август ойлари эди. Сентябрь ойида бу ердан шу Молотов вилоятининг Кунгур деган шаҳрига олиб боришди. Мен бу госпиталда қарта ўйнаб, ярадорларнинг, офицерларнинг пулини юта бошладим. Пулим жуда кўп бўлиб кетди. Уйга 700 сўм жўнатдим. Бундан зиёд жўнатишга рухсат йўқ экан. Шундан кейин уйига кетадиган ярадорларнинг 200 грамм нонини 20 сўмдан, бир қошиқ шакари ва ёғини 15 сўмдан ола бошладим.

Ҳар куни тепага дрижабл чиқариб шаҳарни кўриқлашар эди. Дрижаблга урилиб самолёт ёниб кетар экан.

...1944 йили январ ойида 14-армия билан Эстониянинг Нарва дарёси ёқасигача жанг билан бордим. Одамларимиз камайиб қолгандан кейин шу дарё ёқасида полкимиз одам билан тўлгунча дам олиб турдик. 14-армиянинг 996-ўққи полки.

Одам камчилигидан 10 йилгача қамалган кишиларни турмадан олиб бориб бизларга қўйишди.

Олдин олдий солдат эдим, бу ерда қўл пулемёти бериб, бир қозоқ болани менга ёрдамчи қилиб қўйишди. Немислар дарёнинг қуёб-тиш томонида жардан тешик очиб бизларга қараб турарди. Биз турган ўрмондан дарё ёқасигача 150-200 метр очик майдон қор билан қопланган эди. Дарё қалин муз, шимол томони Болтиқ денгизи. Нихоят 1944 йил 11 феврал куни эрталаб соати 6 да озгина ароқ ичиб, Нарва шаҳрини озод қиламиз деб жангга кирдик. Дарёнинг ярмидан ўтиб, немисларга 20-30 метр яқин борганимизда бизни автомат ва пулемётлардан қаттиқ ўққа тутишди. Улар томондаги жарликка биронтамиз чиқолмадик.

Биринчи қозоқ ёрдамчим йиқилди, кейин мен. Немислар билан орамиз 20-25 метрча эди. Туш вақтларда ҳушимга келиб кўзимни очсам, оғзимдан қон оқиб келибди, нафас олай десам ичимда қозик бордай санчади. Қимирламай аста қарасам, бизлар ўлик ҳисобланиб, немислар орқамиздаги запас армия билан отишиб ётибди. Ўзимни ўликка солиб ётавердим. Бир вақт жуда сув ичгим келди. Атрофимда мина портлашидан қолган муз парчалари ётибди. Шундан туршакдай музни секин оғзимга солиб ютиб юбордим.

Немислар ким қимирласа пешонасидан отарди. Буни кўргач, қоронғи тушгунча жойимда ётдим. Қоронғи тушгач энди немислар найза суқиб чиқар деб ўйланиб ор-

олдим...

Госпиталда ҳушимга келсам, ёнимда ярадорлар ётибди. Ўпкамга 3 та осколка, кўкрак қафасимга орқамдан 20 та осколка кириб кетган, шунинг учун оғзимдан қон келган экан.

Апрелнинг охирида тузалиб чиқдим. Мени яна бир ой соғломлаштириш баталонига юборишди. Кейин икки йиллик санинструкторлар тайёрлаш мактабининг икки ойлик курсида ўқидим.

Август ойида мактабни тамомладик. Менга тиббий хизмат кичик сержант унвонини беришди.

1944 йили Белоруссия чегарасига, 1-Украина фронтига келиб қўшилдик.

1945 йил январ ойида Полша чегарасида жангга кирдик, қиш қаттиқ, қор бўлиқ эди.

Полк жангга кирса мен санитарлар билан ярадорларни жанг майдонидан олиб чиқиш учун бориб, ярадорларни боғлаб, орқага юборар эдим. Жангдан сўнг полк дўхтирхонасига келиб ярадорларга ёрдам берардим. Полк дам олиб турса мени немислар томонга борадиган разведкачиларга қўшиб юборишарди, ярадор бўлиб қолса ёрдам берасан деб. Ярадор бўлиб қолиш аниқ эди. Баъзи вақтларда ўлиқларимизни ҳам олиб келардик...

1945 йилнинг март ойида жанг билан Германиянинг Одер дарёси бўйига бордик.

...Бизникилар ҳали дарёдан танкларни олиб ўтолгани йўқ эди. Ўша кеча қандай қилиб бўлса ҳам дарёдан танкларни ўтказиб олди. Биз томонга немисар кела бошлади. То яқин келгунча бизникилар қараб туришдик. 50 метрча яқинлашганда ўққа тутидик. Тугдай тўкилди. Немисларнинг яширинадиган жойи йўқ эди.

Бироздан кейин бир немис дов-

насиға олиб бордим. Хотини Нина эшикни очиб қўлимдаги паловни кўриб, бу қанақа овқат деб сўраб қолди. Эри — капитан, полкнинг бош врач хотинига ошни Муҳаммадиевдан ол, бу қанақа овқатлигини сенга ўзим айтаман деб хурсанд бўлиб, бунинг анжомини қасрдан топдинглар деб сўраб қолди. Миллати озарбойжон эди.

Кейин бошқа жўраларга ҳам улашдик. Шундай қилиб Германияда бир марта палов қилиб еган эдик.

Шу орада бизнинг полкка қўшимча одам бориб қолди. Қарасам, ичида иккита ўзбек бола бор. Фарғона вилоятидан, март ойида армияга олинган экан.

Биттаси «Мени уруш бошлангандан бери 6 марта военком чақирди. Ҳар чақирганда 10 минг сўм бериб қолардим. Бу сафар ҳам 10 минг сўм олиб борган эдим, олмади. Энди борасан, сен урушга етиб бормай, уруш тугайди. Сен урушга борган бўлиб, юзинг ойдан бўлади деб юборувди. Мана, уруш тамом бўлмай етиб келдик», — деди.

Орадан бир-икки кун ўтиб, биринчи батальонга борсам, бир бойнинг ҳовлисининг кунчиқиш томонида окоп қазиб ётган экан. 26 апрел куни бўлган жангга, қарангки, фақат ўша фарғонадан келган иккита бола ўлибди...

Шундай қилиб, 1945 йил 7 ноябр куни қўлимга кийим-кечак, совға-салом, қўшимча ҳар йилга 900 сўмдан — 2700 сўм пул бериб, захирага бўшатилди. Уйга 5 килодан 3 та посылка қилдим.

Тошкентга 1945 йил 4 декабрда етиб келдик. Хурсанд бўлганимдан иштаҳам боғланиб, мутлақо овқат еёлмай қолдим. Тошкентдан Самарқандга 6 декабр куни соат иккиларда келиб тушдим... Пайшанбага тушга яқин келдик. Кун ботарда уйга кириб келдим.

Эртаси куни катта тўй бўлди...

«Футбол

«Нефтчи» совриндан четда қоладими?

Футбол бўйича мамлакат чемпионатининг 8-турида мусобақа пешқадами Тошкентнинг «Курувчи» жамоаси ўз майдонида ҳамшаҳарлари «Локомотив» футболчиларини қабул қилиб, навбатдаги ғалабани қўлга киритди - 2:0.

«Пахтакор» ва «Навбаҳор» жамоаларининг учрашувида йирик, 3-0 ҳисоби қайд этилиб, Равшан Ҳайдаров шогирдларининг қўли баланд келди. Юрий Саркисян шогирдлари эса Бекободда турнир аутсайдерларидан бири «Металлург» клуби билан дуранг натижа қайд этиб (1:1), чемпионатда жамоалар савияси тенглашганини англатгандек бўлди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди:
Шўртан — Динамо -1:1, Машғал — Ўз-ДонгЖу- 1:0, Андижон — Сўғдиёна - 0:0, Қизилқум — Насаф -2:0, ОТМК — Бухоро- 0:0.

Чипталар сотуви

Ўзбекистон футбол федерацияси терма жамоалар ва маркетинг бошқармаси 7 июн куни бўладиган Ўзбекистон ҳамда Сингапур терма жамоалари ўртасидаги ЖЧ-2010 саралаш учрашувига чипталар 15-майдан бошлаб МХСК стадиони кассаларида сотувга чиқарилишини хабар қилди.

Чипталарнинг нархи қанча ва уларнинг сохталаштиришга қарши қандай чоралар кўрилганлиги ҳақидаги саволга терма жамоалар ва маркетинг бошқармаси бошлиғи Алишер Никимбаев қуйидагича жавоб қайтарди:

- Аввало шунинг айтишим мумкинки, Сингапур терма жамоасига қарши кечадиган ўйин чипталарининг баҳоси маълум сабабларга кўра оширилди ва энди улар 2000 сўмни ташкил этади. Биринчидан, чипталарнинг сифатини яхшиладик. Шунингдек, чипталарга ЎФФнинг логотипи туширилган ҳимоя воситаси ёпиштирилган. Айнан шу нарса орқали сохта чипталардан ҳимояланиш мумкин.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон-Сингапур терма жамоалари ўртасидаги учрашув 7 июн куни МХСК стадионида соат 19:00 да бошланади.

Ўсиш бор

Футбол тарихи ва статистикалари халқаро федерацияси дунёнинг 350 та энг кучли клублари рўйхатини эълон қилди. Бугунги кунга келиб, «Манчестер Юнайтед» ушбу рўйхатда карвонбошилиқ қилмоқда. «Барселона» ва «Челси» бир хил очко билан кейинги погоналарни бўлишиб туришибди.

Шуниси қувонарлики, Тошкентнинг «Курувчи» клуби тобора юқорига кўтарилиб бормоқда. Масалан, икки ой илгари пойтахтликлар 318-ўринни эгаллаб туришганди. Март ойида Миржалол Қосимов шогирдлари 61 «одим» юқориларди.

Апрелда эса, «қалдирғочлар» парвози янада баландлашди. (Клуб рамзи этиб қалдирғоч қабул қилинди) 110 ўрин кўтарилган жамоамиз Португалиянинг «Спортинг», Голландиянинг «Аякс», Испаниянинг «Депортиво», Англиянинг «Астон Вилла», Россиянинг ЦСКА каби машҳур клубларни ортда қолдирган ҳолда ҳозирда 147-погонани эгаллаб турибди. Осиё жамоалари ичида Япониянинг «Гамба Осака» клуби энг юқори кўрсаткичга эга: улар 307-ўриндан 190-ўрингача юқориларга эришишди. Мамлакатимиз чемпиони «Пахтакор» эса, 81 «одим» юқорига кўтарилиб, айти пайтда 133-ўринни эгаллаб турибди.

Кападзе тўпуларлар сафида

Миллий терма жамоамиз ва Тошкентнинг «Курувчи» клуби ярим ҳимоячиси Темур Кападзе халқаро учрашувларда энг кўп тўп киритган футболчилар рўйхатидан муносиб жой олди.


Германиянинг Висбаден шаҳрида жойлашган Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси дунё бўйича ўз клуби ва миллий терма жамоаси иштирокида 2008 йили халқаро ўйинларда энг кўп тўп киритган эллик нафар футболчи рўйхатини эълон қилди.

Жорий мавсумда сермахсул ўйин кўрсатаётган Темур Кападзе Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафида ЖЧ-2010 йили саралаш босқичида Саудия Арабистони терма жамоаси дарвозасига тўп киритганидан хабарингиз бор, албатта. Бундан ташқари, моҳир чарм тўп устаси «Курувчи» таркибиде Осиё чемпионлар лигасида учта голга муаллифлик қилди.

Халқаро ўйинларда жами рақиблар дарвозасини тўрт бор ишғол қилган Кападзе Халқаро ташкилот мутахассислари томонидан ўттиз саккизинчи ўринга лойиқ топилди.

Умумий рўйхатда эса саккизтадан гол урган салвадорлик Рудис Коралес, бразилиялик Марсело Мартинс Морено ҳамда нигериялик Стефен Воргу етакчилик қилмоқда.

Шунингдек, Темур Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) томонидан 2008 йилнинг энг яхши футболчисини аниқлаш мақсадида ўтказилаётган танловда ҳам номзодлар қаторидан жой олган.



«Бокс



Олимпиячиларимиз зафари

Биз фурсатдан фойдаланиб, терма жамоанинг умидли боксчиларидан бири, йил бошида Таиландда ўтган «Қирол кубоги» халқаро турнирида «Пекин-2008» йўлланмасини қўлга киритган моҳир ринг устаси Дилшод Махмудов ҳақида мухтасар маълумот бермоқчимиз. Дилшод 1982 йилнинг 30 ноябрида Фарғона шаҳрида туғилган. Боксдаги биринчи мураббийи Ҳамид Дехқонов. Дилшод Махмудов ҳозирга қадар тўрт карра Ўзбекистон чемпиони, Марказий Осиё, Афро-Осиё ҳамда Осиё ўйинлари ғолиби бўлган.

2004 йил Филиппинда ўтган Осиё чемпионатида ҳамда 2005 йил Хитой давлати мезбонлик қилган бокс бўйича жаҳон чемпионатида қахрамонимиз матонати ҳамда маҳорати билан барчани лол қилиб, қумуш медалларга сазовор бўлганди.

2006 йил Дохада ўтган Осиё ўйинларида бронза медалига эришган Махмудов йилдан-йилга камолот сари интиломоқда.

Дилшод ўтган йилдан эътибо-

ран янги вазн тоифасида рингга чиқа бошлади. Энди у 64 кг.даги доимий муваффақиятларини 69 кг. вазн тоифасида давом эттириши керак.

2007 йилда Чикаго шаҳрида ўтган жаҳон чемпионатида янги вазндаги рақибларини ўрганди. Ўзгаришларга мослашди. Орадан кўп ўтмай, 2008 йилнинг январ ойида Таиланддаги турнирда Хитой давлати мезбонлигидаги энг нуфузли спорт анжуманига лизенция қўлга киритилди.

Рингда ўзининг енгил ва аниқ ҳаракатлари билан томошабинлар меҳрини қозонган Дилшоддан мутахассисларнинг умиди катта. Мана, Финландияда навбатдаги зафарга эришилди. Халқаро турнир олтин медали унинг шавкатидан нишона.

Қахрамонимиз уйланган, Билал исми ўғилчаси бор.

Ватанимизнинг музаффар ўғли Дилшод Махмудов «Пекин-2008» Олимпиадасига тайёргарлик жараёнлари ҳақида шундай деди:

— Ҳукуматимиз, спорт мутасад-

Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Финландияда ўтган нуфузли халқаро турнирда анъанага содиқ қолди. Чарм қўлқоп усталаримиз Хельсинки шаҳрида рақибларига етарлича ташвиш туғдириб, якунда Рафиқ Султонов (51 кг), Тўлашбой Дониёров (54 кг) ва Дилшод Махмудов (69 кг) олтин, Баҳодир Султонов (57 кг), Аббос Атоев (81 кг) қумуш ҳамда Хуршид Тожибоев (54 кг) бронза медалларига эришишди. Терма жамоамиз умумжамоа ҳисобида Россия термасидан сўнг иккинчи ўринни эгаллади.

«Пауэрлифтинг Хорижликлар тан беришди

Пойтахтимиз яна бир йирик мусобақа мезбонлик қилди. «Ўзбекистон» меҳмонхонасида пауэрлифтинг бўйича ёшлар, қизлар, эркеклар, аёллар ва фахрийлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда қитъанинг 15 дан ошқ мамлакатидан 400 нафарга яқин полвонлар турли вазн тоифаларида юқори оғирликни ўрнатish учун баҳс олиб боришди. Бахслар якунида энг кўп медаллар олган ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритишди.

Ҳиндистонликлар иккинчи, Эрон полвонлари учинчи бўлишди. Мусобақа иштирокчилари ўз интервьюларида Ўзбекистон катта имкониятларга эга, кучли давлат эканини таъкидлаб ўтишди, ажойиб мезбонлик ва юқори савиядаги ташкилотчилик учун миннатдорчилик билдиришди.

Биз билан суҳбатда Қозоғистон ёшлар терма жамоаси катта мураббийи Нурлан Жумалов таассуротларини қуйидагича ифода этди:

— Қозоғистон терма жамоаси 38 нафар спортчи билан мусобақага ташриф буюрганди. Ҳамюртларимиздан Анастасия Колесникова, Денис Козба каби Осиё чемпионлари навбатдаги олтин медалларига эришишди. Қолаверса, бир қатор ёшларимиз совриндор бўлишди. Бир сўз билан айтганда, Тошкентда қайд этилган натижалардан тўла қониқдик. Осиё чемпионатида қутилганидек, Ўзбекистон полвонлари кучли тайёргарлик кўришган экан.

«Таэквондо ITF



Ҳеч кимдан кам эмасмиз

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуида таэквондонинг ITF йўналиши бўйича «Амир Темур кубоги» анъанавий учинчи халқаро турнири ташкил этилди.

14-17 ёшли ўсмирлар ўртасида ўтган турнирда мамлакатимиз вилоятлари ва Тошкент шаҳрида машғулотлари ҳамда Россия ва Қозоғистон давлатларидан келган 500 нафарга яқин «даян» усталари «тил» ва «массоги» бўйича ғолибларни аниқлашди.

Биз билан суҳбатда пойтахтимиздаги «Бектемир» спорт клуби мураббийлардан бири Аҳрор Асроров жумладан шундай деди:

— «Бектемир» спорт клуби Республикаимиздаги энг катта таэквондо клубларидан. Фахриддин Умаров бошчилигида 18 нафар мураббий Тошкент шаҳрида машғулотлари олиб борамиз. Халқаро турнирда ғолиб чиқиш осон эмас. «Зал»имдаги шогирдларимнинг уч нафарини мазкур мусобақада иштирок этишди. Улардан Саидазим Баҳромхўжаев «тил» баҳсларида, Саидолим Қосимов «массоги»да ғолиб чиққан бўлса, Мирсаид Мираҳмедовнинг маҳорати бронза медалига лойиқ топилди.

Бу халқаро турнир мураббий ва спортчилар учун қўзғалдирайдиган пойтахтимизда ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ўтадиган жаҳон чемпионати олдидан кўрик вазифасини ўтади.

Саҳифа материалларини Акмал АБДИЕВ тайёрлади

[illegible]

Ҳозир кўлаб қизиқчилар ўстоз деб тан олган машҳур кизикчи Мухиддин Дарвешов (худо раҳматиға олган бўлсин) Бувайда туманида туғилган. Бувайдаликлар табиатан қизиқчиликка, турли хангомаларга мойил. Улар орасида Нейматжон Шерматов соддалиги, шумлиги ва афандинамо феъл-атвори билан эл орасида турли хангомалар яратилишига сабабчи кишилардан бири. Кўйида у киши ҳаётида рўй берган айрим хангомаларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

ЎЗИМГА ҲАЛОЛ

Бир рус йигит Нейматжон аканинг личоғини сўраб олибди ва иши битгач, у билан ҳазиллашмоқчи бўлиб:

— Пичоғингизда сала (чўчка ёғи) кесиб ҳаром қилиб қўйдим-да, ака, кечирасиз, — дебди.

Нейматжон ака ҳам ҳазилни тушуниб ҳозиржавоблик билан:

— Ҳечқиси йўқ, ука, ўзим ҳам кеча шу пичоқда кучугимнинг қулоғини кесгандим, энди бўлари бўпти, — деб жавоб берган экан.

Қурбонликка ярамайди

Илгари туман марказида татарлар кўп бўлган замонда Ҳасан абзий деган киши мол бозоридан семизгина қўй етаклаб чиқибди. Қўй жонивор кўча кўрмаган эканми, ҳеч йўлга юрмасмиш. Олдинги икки оёғини ерга тираб, Ҳасан абзийни терга туширибди. Жаҳл отига минган абзий тилига эрк бериб:

— Сволич, шушка, свиня, юрасанми-йўқми? — деб турганининг устига Нейматжон ака келиб қолибди.

— Ҳасан абзий, қўйни нима мақсадда олдингиз? — дебди шумлиги тутиб.

— Бу шушкани қурбонлик қилишга олдим, — дебди абзий соддалик билан.

— Бай-бай, абзий, хато кетдингиз, бу қўйни чўчка деб атадингиз, энди қурбонликка ярамайди.

Оғзи очилиб, каловланиб қолган Ҳасан абзийнинг кўнглига шубҳа оралаб ҳалиги қўйни ўғлидан етаклаб юборди-да, бозордан яна бир қўй етаклаб чиқди.

Иш бир юрмаса, қийин экан. Кейинги олинган қўй олдингисидан ҳам баттар қайсар қиқиб қолди. Ерга юмалармиш-у олдинга юрай демасмиш.

Терга тушиб, бўғриқиб кетган Ҳасан абзий эса қўйга қараб:

— Сен жонивор қўйжоннинг ҳақиқий отингни билем-у лекин айтгани кўркем, — деб тургани устига бозордан қайтаётган Нейматжон ака келиб қолибди ва «ҳа, абзий, буниси ярайди, уйгача чўчка деб от қўймасангиз бўлди» дея ўтиб кетибди.

Бемордан баттар табиб


Нейматжон акага бир оғайниси кўзидан шикоят қилиб, бир кўзи хиралашиб қолганлиги, уч-тўрт юз метр масофадаги нарсани ажрата олмаглигини айтибди.

— Масалан, қандай? — дебди табиблиги тутган Нейматжон ака.

— Масалан, ҳов олисдаги эшак-аравани кўра-япсизми, уни миниб кетаётган боланинг юзини аниқ англолмайман, — дебди бемор куюнчақлик билан.

Нейматжон ака ҳам бемор кўрсатган томонга астойдил тикилибди, чин кўнгилдан тикилибди, лекин эшак-арава кўринмасмиш.

— Умуман ўша томонда ўзи эшак-арава борми? — дебди охири.



Изоҳга ҳожат йўқ.

Рассом Радик АЗИЗОВ

Илҳом қайнаган кун

Бир куни Нейматжон ака ва гап-гаштак юритадиган жўралари бир жойга ҳам бўлишибди. Ҳар бири бир шоирчалик қайнаган илҳомга эга бўлган жўралар орасида ариқнинг бу юзига ўтиб, шариат талабларига риоя қилаётганлар ҳам, ариқни у юзига қолиб шайтон сувидан бироз татиб кўргувчилар ҳам ва ниҳоят аросатда қолиб бош қасиб юрганлар ҳам бор эди.

Шу куни шайтон сувидан бироз кўпроқ татинган жўралардан бирига илҳом келиб, шариат илмидан ваъз айтишга тушиб кетди. Ҳадислардан мисоллар келтириб, жаннатнинг роҳати-ю жаҳаннам азобларидан сўзлади.

Маҳаллада имомликни бўйнига олиб, ариқнинг бу юзига ростмана ўтган, жўраларни ҳар доим дини исломга даъват этгучи мулласифат жўранинг қорни оч эканми, овқат пишишига сабри чидамай газак учун дастурхонга тортилган колбасадан каттагина бўлақни олди-да, бўлақ нонга қўшиб ея бошлади. Бунини кўрган Нейматжон аканинг илҳоми жўш урди.

— Бир давраки бу, мастлари пайғамбарлик даъво қилиб ваъз айтадур,

Бир давраки бу, муллолари колбаса ила чўчка ёғин чайнайдур.

Даврада гурра кулгу янгради.

Абдувоҳид ҚОДИРОВ,
АСМ ходимлари касаба уюшмаси Бувайда
туман кенгаши раиси

Изоҳи сиздан...



Вактни кетказмай бекор, Кашфиётни қилдим «ест». «Сотка»м назоратчида, Бизга эмас писанд тест.

Рустам САТТОРОВ,
Наманган шахри

Жаҳлим чиқади жуда, У кўринмаган пайтда. Нима қилай ҳаёлим Орқамдаги йигитда.

Илҳомжон НУРМАТОВ,
Қибрай тумани

Имтиҳондан ўтиб олиш катта машаққат, Домларни талаби зўр, жуда бешафқат. Саволларга жавоб ўлгур эсга келмайди, «Шпаргалка» ишлатмаса сира бўлмайди.

Кузатувчи олдан келса, кўрса бўлади, Акси бўлиб ордан келса нима бўлади? Шунинг учун талаба қиз анча ўйлаган, Ойналарни беҳудага четга қўймаган.

Содиқ ИСАЕВ,
«Самарқанд мебел» АЖ директор ўринбосари



Энди навбатдаги суратга изоҳ топинг-чи?

Кўриниб турар қафдек, Ҳамма нарса ойнада. Домлага ҳам ҳайронман, Нима бор-а орқада.

Фарҳод ПИРМАНОВ,
Булунғур тумани

Ishonch МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси	Бош муҳаррир Абдухолик АБДУРАЗЗОҚОВ Тахрир хайъати: Алла Долженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Жаҳонгир Шарофбоев (масъул котиб), Маъмура Адилова, Мирзохид Содиқов, Нормамат Аллаёров, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиоров, Соғиндик Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев	Бизга кўнгиноқ қилинг: Котибият: 256-52-78 Хатлар бўлими: 256-85-43 Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида бошилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ.	Бизнинг манзил: 100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Кўрхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.	Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»-дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар (П) белгиси остида чоп этилади.	Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев Навбатчи - А.Абдиев Мусаҳҳих - Ш.Абдусаматов Саҳифаловчи-дизайнер: Х.Абдужалилов Буюртма Г— 414 Тиқлаш: 17621 Босишга топшириш вақти - 21.00 Тошпирилди - 21.20 Сотувда эркин нархда 1 2 3 4 5 7 8
---	---	---	---	---	--